
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲИСОБ ПАЛАТАСИ

**Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон
Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги
Қонуни лойиҳаси ва 2022 йил учун Бюджетнома бўйича
Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг
ХУЛОСАСИ**

Тошкент – 2021 йил

МУНДАРИЖА

I. Кириш	4
II. 2022 йил учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози	5
2.1 Ялпи ички маҳсулот.....	6
2.2 Ташиқи савдо айланмаси	8
2.3 Истеъмол нархлари индекси.....	8
III. Бюджетномада кўзда тутилган 2022 йил солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари даромадлари таҳлили, Ҳисоб палатасининг таклиф ва мулоҳазалари	10
3.1. 2022 йил солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари.....	10
3.1.1 Кўшилган қиймат солиғи	10
3.1.2 Акциз солиғи.....	11
3.1.3 Фойда солиғи.....	12
3.1.4 Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	13
3.1.5 Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ.....	13
3.1.6 Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.....	14
3.1.7 Мол-мулк солиғи.....	14
3.1.8 Ер солиғи.....	14
3.1.9 Ижтимоий солиқ.....	15
3.1.10 Айланмадан олинадиган солиқ.....	15
3.2. Бюджетнома ва Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси	15
3.3. Ҳисоб палатасининг таҳлиллари асосида шаклланган бюджет-солиқ сиёсати соҳасидаги таклифлар	25
3.5. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалар даромадларининг 2021 йилдаги кутилаётган ижроси ва 2022 йил учун прогнози.....	30
3.5.1 Давлат солиқ кўмитаси тушумлари	32
3.5.1.1 Кўшилган қиймат солиғи (давлат солиқ идоралари томонидан ундириладиган қисми) 32	
3.5.1.2 Акциз солиғи (давлат солиқ идоралари томонидан ундириладиган қисми).....	32
3.5.1.3 Фойда солиғи.....	33
3.5.1.4 Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	33
3.5.1.5 Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ.....	33
3.5.1.6 Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.....	34
3.5.1.7 Мол-мулк солиғи.....	34
3.5.1.8 Ер солиғи.....	34
3.5.1.9 Айланмадан олинадиган солиқ.....	34

3.5.1.10	<i>Бошиқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар (давлат солиқ идоралари томонидан ундириладиган қисми).....</i>	35
3.5.2	<i>Давлат божхона қўмитаси тушумлари.....</i>	35
3.5.2.1	<i>Импорт товарларга қўшилган қиймат солиғи бўйича</i>	35
3.5.2.2	<i>Импорт божхона божси бўйича.....</i>	36
3.5.2.3	<i>Акциз солиғи бўйича</i>	37
3.5.3	<i>Молия вазирлиги тушумлари.....</i>	37
3.5.4	<i>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тушумлари</i>	38
3.5.5	<i>Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари тушумлари бўйича</i>	38
3.5.5.1	<i>Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари тушумлари бўйича прогнознинг шакллантирилиши.....</i>	38
IV.	Бюджетномада кўзда тутилган бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари таҳлили, Ҳисоб палатасининг таклиф ва мулоҳазалари	39
4.1.	<i>2022 йилги бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари</i>	39
4.2.	<i>Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш.....</i>	43
4.3.	<i>2022 йил Давлат бюджети харажатлари таркибининг таҳлили</i>	47
4.4.	<i>Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари таҳлили.....</i>	66
V.	Давлат бюджети харажатларининг самарадорлик индикаторларини белгилаш	69
VI.	Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш	70
VII.	Давлат қарзи ва Давлат бюджетининг тақчиллиги	71
VIII.	Қонун лойиҳасида назарда тутиш учун қўшимча таклиф ва тавсиялар	77
IX.	Хулоса.....	78

I. Кириш

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 96-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ 2022 йил учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг (кейинги ўринларда - Ҳисоб палатаси деб юритилади) Хулосаси тайёрланди.

Хулосани тайёрлаш жараёнида Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаларининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, соҳалар бўйича мақсадлари вазифалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларига мувофиқлиги ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 97-моддасига асосан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегияни Ҳисоб палатасига хулоса тақдим этиш учун жорий йилнинг 20 сентябрига қадар киритилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси (кейинги ўринларда - Қонун лойиҳаси) ва Бюджетнома лойиҳаси (кейинги ўринларда – Бюджетнома) Ҳисоб палатасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 октябрдаги 02/5-100-сонли хати билан киритилди.

Ҳисоб палатаси томонидан Қонун лойиҳаси ва Бюджетнома Молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар мутахассислари билан биргаликда кўриб чиқилди ҳамда дастлабки натижалари бўйича Ҳисоб палатасининг таклифлари маълум қилинди.

Қонун лойиҳаси ва Бюджетномани қайта ишланган, аниқлаштирилган шакли Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 октябрдаги 02/5-100-сонли хати билан Ҳисоб палатасига қайта киритилди.

Бюджет кодексининг 26-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хулоса тақдим этиш белгиланган.

Ўрта муддатли давр учун фискал стратегия - ўрта муддатли давр учун солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини белгиловчи ҳужжат ҳисобланади.

Фискал стратегия Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва Вазирлар Маҳкамасига жорий йилнинг 1 июнига қадар киритилади. Вазирлар Маҳкамасида жорий йилнинг 15 июнига қадар муҳокама қилинади ва тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига маълумот учун киритилади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси билан **биргаликда ўрта муддатли давр учун ишлаб чиқилган фискал стратегия** Ҳисоб палатасига тақдим этилмади.

Шу билан бирга белгиланган тартибда Молия вазирлиги томонидан ўзининг **расмий веб-сайтида эълон қилинмаган.**

Қонун лойиҳаси ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига юборилишидан олдин мажбурий равишда жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилдиган “Фуқаролар учун бюджет” ахборот нашри жамоатчилик муҳокамаси учун параллель равишда эълон қилиниши белгиланган.

2021 йил 15 октябрь ҳолатига Қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилмаган (openbudget.uz ахборот порталига жойлаштирилмаган).

Шу сабабли, Ҳисоб палатаси томонидан ўрта муддатли давр учун ишлаб чиқилган **фискал стратегия кўриб чиқилмади.**

Қонун лойиҳасини кўриб чиқишда Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, харажатлар таркибида улуши кўп бўлган соҳавий вазирликлар ҳамда бюджет даромадларида улуши юқори бўлган йирик солиқ тўловчи идоралар билан ҳамкорликда даромадлар ва харажатлар асосланганлигини таъминлаш бўйича бевосита иш олиб борилди.

II. 2022 йил учун асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози

Тақдим этилган Бюджетнома бўйича 2022 йил учун асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнозини тайёрлашда қуйидагилар ҳисобга олинган:

- макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, Давлат бюджети харажатларининг самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш ҳамда ўрта муддатли истиқболда ижтимоий-иктисодий ривожланишда барқарор ижобий тенденцияни ушлаб туриш;

- иқтисодийнинг рақобатбардошлигини, инвестициявий жозибадорликни ва ишбилармонлик фаоллигини рағбатлантиришга қаратилган солиқ сиёсати ислохотларини давом эттириш;

- 2022–2026 йиллардаги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида, “Яшил иқтисодий”ни ривожлантириш, бюджет сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлигини таъминлаш, “натижага йўналтирилган бюджет” тизимини босқичма-босқич тўлақонли жорий этиш, “яширин иқтисодий”ни қисқартиришга қаратилган солиқ ва божхона сиёсатини олиб бориш;

- фискал таваккалчиликларни инобатга олиб, давлат қарзини бошқариш тизимини такомиллаштириш, давлат қимматли қоғозлар муомаласига асосланган бозор инструментларини ишлаб чиқиш орқали бюджетни прогнозлаштириш ва унинг баланслилигини таъминлашда стратегик ёндашишни жорий этиш;

- бюджет жараёни иштирокчиларининг масъулиятини ошириш мақсадида ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилган.

2.1 Ялпи ички маҳсулот

Тақдим этилган Бюджетнома бўйича 2022 йилдаги ялпи ички маҳсулот ҳажми 839 989,5 млрд сўмни ёки 74,2 млрд долларни, унинг аҳоли жон бошига миқдори 23,8 млн сўмни ёки 2,1 минг долларни ташкил этиши режалаштирилмоқда.

2022 йилда реал ўсиш суръати 5,9 фоизни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

Прогноз қилинаётган ялпи ички маҳсулот ҳажмининг таркибида қўшилган қиймат миқдори 778 153,6 млрд сўмни (ЯИМнинг 92,6 фоизи) ҳамда маҳсулотлар ва экспорт-импорт операциялари ҳисобидан олинган соф солиқлар тушуми 61 865,9 млрд сўмни (7,4 фоиз) ташкил этмоқда.

Тармоқлар кесимида қўшилган қийматнинг энг катта улуши (35,8 фоиз) хизматлар кўрсатиш соҳасига тўғри келиб, ушбу тармоқ бўйича яратилган қўшилган қиймат ҳажми 300 351,0 млрд сўмни ташкил этиши режалаштирилмоқда.

Шунингдек, ушбу кўрсаткич sanoat бўйича 217 683,5 млрд сўм (25,9 фоиз), қурилиш бўйича 52 516,3 млрд сўм (6,3 фоиз) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги бўйича 207 602,8 млрд сўм (24,7 фоиз) миқдорида бўлиши кутилмоқда.

Кутилаётган реал ўсиш миқдори қурилиш бўйича 8,1 фоизни, sanoat бўйича 7,0 фоизни, хизматлар бўйича 6,5 фоизни, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги бўйича 3,1 фоизни ҳамда маҳсулотлар ва экспорт-импорт операциялари ҳисобидан олинган соф солиқлар 7,4 фоизни ташкил этмоқда.

1-жадвал


Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2022 йилги ЯИМ прогнози

млрд сўм

№	Кўрсаткичлар	Миқдори	ЯИМ таркибидаги улуши (фоиз)	2021 йилга нисбатан реал ўсиш (фоиз)
	Ялпи ички маҳсулот, жами	839 989,5	100,0	105,9
I.	Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	778 153,6	92,6	
1.	Саноат	217 683,5	25,9	107,0
2.	Қурилиш	52 516,3	6,3	108,1
3.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	207 602,8	24,7	103,1
4.	Хизматлар	300 351,0	35,8	106,5
II.	Маҳсулотларга соф солиқлар	61 835,9	7,4	107,4

1-расм

Ялпи ички маҳсулот таркиби



2.2 Ташқи савдо айланмаси

Ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш учун яратилган қулай шарт-шароитлар ва экспортчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чоралар ҳисобига 2022 йилда Республикада ташқи савдо айланмаси 46 289,3 млн АҚШ долларини, шу жумладан экспорт ҳажми 20 172,5 млн АҚШ долларини ва импорт ҳажми 26 116,9 млн АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда.

2-жадвал

2022 йилда кутилаётган ташқи савдо айланмаси

млн АҚШ dollari

Кўрсаткичлар	2021 йил кутилаётган		2022 йил прогноз		Ўзгариши (фоиз)
	Амалдаги миқдори	ЯИМдаги улуши (фоиз)	Миқдори	ЯИМдаги улуши (фоиз)	
Ташқи савдо айланмаси	40 802,7		46 289,3		113,4
Экспорт	16 951,6	25,0	20 172,5	27,2	119,0
Импорт	23 851,0	35,1	26 116,9	35,2	109,5
Сальдо	-6 899,4		-5 944,4		x

Экспорт ҳажми 2021 йилга нисбатан 19,0 фоизга ўсиб, ялпи ички маҳсулотнинг 27,2 фоизига, импорт ҳажми эса 9,5 фоизга ўсиб, ялпи ички маҳсулотнинг 35,2 фоизига тўғри келиши кутилмоқда.

Ташқи савдо айланмаси сальдоси салбий баланс (- 5 944,4 млн доллар) билан яқунланиши баҳоланмоқда.


2.3 Истеъмол нархлари индекси

Прогнозларга кўра устувор вазифаларни амалга ошириш орқали 2022 йилда ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатини 5,9 фоизга етказиш ва унинг ижобий динамикасини кейинги йилларда ҳам давом эттириш (2023 йилда 6,2 фоиз ва 2024 йилда 6,6 фоиз) билан бирга инфляция даражасини босқичма-босқич пасайтириб бориш кўзда тутилмоқда.

2022 йилда инфляция даражаси 9,0 фоиз атрофида бўлиши прогноз қилинган бўлса, 2023 йилда 5,0 фоиз, 2024 йилда 5,0 фоиз миқдорида мўлжал олинган.

Республика бўйича истеъмол нархлари индекси 2020 йил якуни бўйича 11,1 фоиз миқдорда қайд этилган бўлиб, 2021 йилда 10 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда.

2-расм



Таъкидлаш лозимки, 2020-2021 йилларда истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш базасида юқори вазни эгалловчи энергия ресурслари, жумладан электр энергияси ва табиий газни ички истеъмолчиларга сотиш нархи деярли ўзгармаган.

Ушбу ресурсларнинг асосий етказиб берувчилари – давлат улушидаги “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ ва “Ҳудудгазтаъминот” АЖларининг тарифлари оширилмаган.

Бюджетномага мувофиқ мазкур ресурслар нархлари 2022 йилда индексация қилиниши кўзда тутилмоқда.

Ҳисоб палатасининг ҳисоб-китобларга кўра ушбу товар ва хизматлар нархининг ошиши, уларнинг истеъмол нархлари индексини ҳисоблашдаги вазнидан келиб чиқиб, умумий индекс миқдорининг **1,52** ф.д.га ошишига олиб келади.

3-жадвал

Харажатлар номи	Истеъмол нархлари индексини ҳисоблашдаги вазни	Истеъмол нархлари индексига таъсири
Электр энергияси	2,42	+0,80
Табиий газ	2,37	+0,50

Харажатлар номи	Истеъмол нархлари индексини ҳисоблашдаги вазни	Истеъмол нархлари индексига таъсири
Иссиқ сув ва иссиқлик энергияси	0,45	+0,09
Совуқ сув ва канализация	0,38	+0,13
Жами	5,62	+1,52

Тавсия:

Юқоридагилардан келиб чиқиб, энергия ресурслари тариф нархларининг 2022 йилда кескин оширилиши фонида, жорий инфляция даражасининг ўтган йилга нисбатан пасайишини таъминлаш учун бошқа истеъмол товар ва хизматлар нархлари ўсиш суръатларини сезиларли даражада пасайтириш талаб этилади.

Бунинг учун Ҳукумат ҳамда тармоқ вазирлик ва идораларига истеъмол таркибидаги юқори вазнга эга озиқ-овқат (гўшт, ун маҳсулотлари, мева-сабзавотлар), ноозиқ-овқат товарлари (кийим-кечак, қурилиш моллари) ва бошқа хизматлар (транспорт ва алоқа)га бўлган талабни тўлақонли таъминлаш орқали, улар нархларининг барқарорлиги таъминлаш чораларини кўриш тавсия этилади.

III. Бюджетномада кўзда тутилган 2022 йил солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари даромадлари таҳлили, Ҳисоб палатасининг таклиф ва мулоҳазалари

3.1. 2022 йил солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари

2022 йил учун солиқ ва божхона сиёсатини такомиллаштириш доирасида Бюджетномада (кейинги ўринларда – Бюджетнома) қатор ўзгаришлар кўзда тутилмоқда.

3.1.1 Қўшилган қиймат солиғи

Қўшилган қиймат солиғи бўйича амалдаги солиқ ставкаси 15 фоиз миқдорида сақлаб қолинмоқда.

ҚҚС занжирининг узлуксизлигини таъминлаш ва унинг ҳисоблаб чиқариш ва тўлашдан бўйин товлашни олдини олиш мақсадида тушум ҳажмидан қатъий назар қуйидагилар ҳисобига ҚҚС тўловчи корхоналар тоифаси кенгайтирилмоқда:

- а) суғориладиган ерлари 25 гектардан ортиқ бўлган фермер хўжаликлари;
- б) солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари ва аудиторлик ташкилотлари;
- в) нотижорат, шу жумладан бюджет ташкилотлари.

Солиқ кодекси билан берилган жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари хизматлари (бундан бюджетдан молиялаштириладиган мустасно), шунингдек, спорт иншоотлари, оммавий-маданий тадбирларни ташкил этишдан даромадлар қисмида ҳамда қатъий суммада кўрсатиладиган банк хизматлари қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар бекор қилинмоқда.

3.1.2 Акциз солиғи

Акциз солиғи ставкалари 2022 йил 1 июндан ўртача 10 фоизга индексация қилинмоқда.

Тамаки маҳсулотлари импортига акциз солиғи ставкаси 2022 йил 1 январдан 10 фоизга, алкоголь маҳсулотлари импортига 2022 йил 1 июндан 10 фоизга пасайтирилмоқда.

2022 йил 1 январдан алоҳида турдаги тамаки маҳсулотларига (чилим учун тамаки, чекиладиган, ўрама тамаки, қиздириладиган тамаки, никотинли тамакисиз снюс, таркибида никотин мавжуд бўлган суюқлик) импортига акциз солиғи ставкаси 10 фоизга индексация қилинмоқда.

Республикада ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган бензин учун ягона солиқ ставкаси белгиланмоқда. Суюлтирилган газга акциз солиғи ставкаси бекор қилинмоқда (амалда 30 фоиз).

Полиэтилен гранулаларига акциз солиғи ставкаси 20 фоиздан 10 фоизгача пасайтирилиши белгиланмоқда, шунингдек, полиэтилен гранулалар импортида ҳам акциз солиғи жорий қилинмоқда.

Бюджетномада полиэтилен гранулалари учун акциз солиғи ставкасини 20 фоиздан 10 фоизгача пасайтириш ҳамда импортида акциз солиғини жорий қилишни сабаблари аниқ ҳисоб-китоблар билан асослантирилмаган.

Жумладан республикамиздаги ишлаб чиқариш қувватлари ва уларнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмлари, ички бозорда ушбу маҳсулотларга бўлган талаб ва таклифларнинг кўрсаткичлари, олдинги даврларда амалга оширилган импорт ва экспорт миқдорлари ҳамда ички бозордаги кутилаётган эҳтиёжлар миқдорлари ёки бошқа омиллар кўрсатиб берилмаган.

Тавсия:

Полиэтилен гранулалари учун акциз солиғи ставкасини 20 фоиздан 10 фоизгача пасайтириш ҳамда импортида акциз солиғини жорий қилишни сабаблари, жумладан республикамиздаги ишлаб чиқариш қувватлари ва уларнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмлари, ички бозорда ушбу маҳсулотларга бўлган талаб ва таклифларнинг кўрсаткичлари, олдинги даврларда амалга оширилган импорт ва экспорт миқдорлари, нархлари ҳамда ички бозордаги кутилаётган эҳтиёжларни аниқ кўрсатиб бериш мақсадга мувофиқ.

3.1.3 Фойда солиғи

Фойда солиғи ставкасини 15 фоиз миқдорида ва дивидендлар кўринишидаги даромадлар бўйича солиқ ставкаси 5 фоиз миқдорида сақлаб қолинмоқда.

Киритилаётган ўзгартиришларга мувофиқ амортизациянинг йиллик энг юқори нормасини қуйидагича белгилаш таклиф қилинмоқда, жумладан:

- бинолар учун 3 фоиздан 5 фоизгача;
- иншоотлар учун 5 фоиздан 10 фоизгача;
- узатиш қурилмалари, куч машиналари ва асбоб ускуналари учун 8 фоиздан 15 фоизгача;
- фаолият турлари бўйича иш машиналари ва асбоб-ускуналар учун 15 фоиздан 20 фоизгача;
- компьютер, маълумотларни қайта ишлаш ускуналари учун 20 фоиздан 40 фоизгача оширилмоқда.

Янги технологик ускуналар учун йўналтирилган маблағлар суммасига инвестициявий чегирма миқдорини 10 фоиздан 20 фоизгача, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтириш учун эса 5 фоиздан 10 фоизгача ошириш таклиф этилмоқда.

Шунингдек, “Навоий кон-металлургия комбинати” ДК ва “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ учун солиқ солиш базасининг, товар (иш, хизмат)ларни реализация қилишдан тушган тушумни 15 фоизига тенг миқдордан ошган қисми учун қўлланилган оширилган фойда солиғи ставкасини амалдаги 75 фоиздан 70 фоизга пасайтириш белгиланмоқда.

Фойда солиғи бўйича фаолият натижасида кўрилган зарарларни солиқ давридан кейин ўн йил мобайнида келгусига ўтказиш тартибини сақлаб қолган ҳолда, жорий солиқ даври солиқ базасининг 60 фоизидан ошиб кетмаслик бўйича талаб бекор қилинмоқда.

Тавсия:

Киритилаётган ўзгартиришларга мувофиқ амортизациянинг йиллик энг юқори нормасини ўзгартирилиши (оширилиши) хўжалик юритувчи субъектларда танланган ҳисоб сиёсати доирасида фойда солиғини ҳисоблашда фойдаланиши акс этирилган бўлиб, бухгалтерия ҳисобини юритишда қўлланиб келинаётган амортизация нормаларини жорий усулларда сақланиб қолиниши ёки улардаги ўзгаришлар тўғрисида қўшимча маълумотлар берилмаган.

Келгусида, амалиётда бухгалтерия ҳисобни юритишда кўп сонли саволлар ёки муаммоларни келиб чиқишини олдини олиш мақсадида, хўжалик юритувчи субъектлар ва бюджет ташкилотларида танланган ҳисоб сиёсати доирасида

бухгалтерия ҳисобини юритишда қўлланилаётган амортизация нормаларидаги ўзгаришлар ёки уларни жорий усулларда сақланиб қолиниши тўғрисида жамоатчиликка батафсил маълумот (ахборот)лар берилиши лозим.

3.1.4 Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси 12 фоиз миқдорида ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадиган даромадларидан фуқароларнинг ШЖБПҲ ўтказиладиган ажратмалари миқдорини 0,1 фоизи миқдорида сақлаб қолинмоқда.

3.1.5 Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 октябрдаги “Геология-қидирув ишларини янада рағбатлантириш ва ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6319-сон Фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ер қаъридан фойдаланувчиларни солиққа тортишда қуйидаги ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Ер қаъридан фойдаланувчиларнинг капитал харажатларини ҳисобга олган ҳолда янги конларда нефть, табиий газ, газ конденсати, қимматбаҳо, рангли, нодир ва радиоактив металлларни қазиб олиш (ажратиб олиш)ни амалга оширувчи ер қаъридан фойдаланувчилар учун рента даромади солиғи жорий этилмоқда.

Рента даромад солиғи инвестиция киритилганда, металллар ёки углеводород хом ашёсини реализация қилишдан олинган даромад ва уларни қазиб олиш (ажратиб олиш) билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлар чегирилган ҳолда (уч йилдан кейин) тўланади.

Янги нефть ва газ қудуқларини, саноат усулида фойдаланишга топширилган ойдан бошлаб, дастлабки икки йил давомида мол-мулк солиғи тўлашдан озод қилинади, кейинги уч йилда ушбу солиқ учун белгиланган солиқ ставкасининг 50 фоизига камайтирилган ставка қўлланилади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини нефть ва табиий газ бўйича 10 фоизгача (амалда нефть 20 фоиз, табиий газ 30 фоиз), олтин ва мис учун 7 фоизгача (амалда олтин 10 фоиз, мис 10 фоиз), вольфрам концентрати учун 2,7 фоизгача (амалда 10,4 фоиз) ва уран учун 8 фоизгача (амалда 10 фоиз) камайтирилмоқда.

Бунда, давлат улушига эга корхоналар НКМК, ОКМК ва Ўзбекнефтгаз учун амалдаги солиқ ставкалари сақлаб қолиниши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, 2022 йил 1 январдан бошлаб цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган 1 тонна оҳактош учун ер қаъридан фойдаланганлик учун

солиқнинг ставкасини икки бараварга камайтирган ҳолда 22 500 сўм/тн (амалда 45 000 сўм/тн) миқдорида белгиланмоқда.

3.1.6 Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш учун белгиланган ставкалардан ташқари) ставкаларини инфляция даражасида 1,1 бараварга иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналари (саноат корхоналари, электр станциялари ва коммунал хўжалиги бундан мустасно) ва яқка тартибдаги тадбиркорлар учун эса - 1,3 бараварга индексация қилинмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш учун белгиланган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 40 сўм, шу жумладан солиқ ставкасига сув етказиб берувчилар томонидан етказиб берилган сув ҳажми харажатларини қоплаш учун 1,05 коэффициент қўллаш тартиби сақлаб қолинмоқда.

3.1.7 Мол-мулк солиғи

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси амалдаги 2 фоиздан 1,5 фоизга камайтирилмоқда.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган пасайтирилган солиқ ставкаси 0,4 фоиздан 0,5 фоизга ўзгартирилмоқда.

Солиқ солиш мақсадида бинолар бўйича солиқ базаси қуйидаги миқдорларда 1 кв.метр учун мутлақ қийматда белгиланган минимал қийматдан паст бўлиши мумкин эмаслиги жорий этилмоқда.

Бунда, Тошкент шаҳрида – икки миллион беш юз минг сўм, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида – бир миллион беш юз минг сўм ва қолган ҳудудларда – бир миллион сўм этиб белгиланмоқда.

Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкалари 10 фоизга индексация қилинмоқда.

3.1.8 Ер солиғи

Юридик шахслардан олинадиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер солиғининг базавий ставкалари ўртача 1,07 бараварга индексация қилинмоқда.

Юридик шахслардан олинадиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер солиғи ставкаларига қўлланиладиган пасайтирувчи 0,25 коэффициент 0,3 этиб белгиланмоқда.

Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ставкаларини ўртача 1,07 бараварга индексация қилинмоқда.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ер солиғи қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматига нисбатан белгиланган 0,95 фоиз солиқ ставкаси сақлаб қолинмоқда.

3.1.9 Ижтимоий солиқ

Ижтимоий солиқ ставкаси бюджет ташкилотлари учун 25 фоиз, бошқа солиқ тўловчилар учун 12 фоиз миқдорида сақлаб қолинмоқда.

3.1.10 Айланмадан олинадиган солиқ

Айланмадан олинадиган солиқнинг базавий ставкалари 2021 йил даражасида (4 фоиз) сақлаб қолинмоқда.

3.2. Бюджетнома ва Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси

3.2.1 Қонун лойиҳасининг 5-моддаси учинчи қисми билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, суд ва прокуратура органларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига солиқлар, давлат божлари, йиғимлар ва **солиқ бўлмаган тўловлар**, маъмурий жарималар ҳамда молиявий санкциялар ҳисобидан келиб тушадиган маблағларнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан республика бюджетига ўтказилиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги “Республика Давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-3358-сон Фармонининг иловаси билан республика давлат бошқаруви органларининг рўйхати тасдиқланган.

Амалда, бюджет ташкилотлари томонидан шу жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан сотилган товарлар (хизматлар) ҳисобидан тушган маблағлар (солиқ бўлмаган тўловлар) тўлиқ ёки қисман уларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарорига мувофиқ юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш манбаларидан бири сифатида фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадлари ҳисобланади.

Шунингдек, бюджет ташкилотида вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича тўланмаган нафақалар ва кредиторлик қарз мавжуд бўлмаса ёхуд ушбу қарзлар тўлиқ қопланган тақдирда **товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатларнинг ўрни тўлдирилгандан кейин** бюджет

ташкilotини ривожлантириш жамғармасининг қолган маблағлари (ҳомийлик ёрдами, беғараз ёрдам миқдори бундан мустасно):

тушган барча маблағларнинг камида 75 фоизи (соғлиқни сақлаш ва сув хўжалиги бюджет ташкilotларида, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидаги маданият марказларида камида 50 фоизи) моддий-техника базани мустаҳкамлашга;

кўпи билан 25 фоизи (соғлиқни сақлаш ва сув хўжалиги бюджет ташкilotларида, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидаги маданият марказларида камида 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда) бюджет ташкilotлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-5185-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг Ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб қуйидаги хизматлардан кўрсатилган тушумлар ҳисобланади:

импорт ва транзит карантин рухсатномалари, халқаро, ички ва реэкспорт фитосанитария сертификатлари, транспорт бирлигини очиш ва карантин кўриги далолатномаси расмийлаштирилишидан олинадиган тўловлар;

ўсимликларни ҳимоя қилишда қўлланиладиган кимёвий воситалар, минерал ва органик ўғитларни сақлаш, реализация қилишни лицензиялашдан олинадиган тўловлар;

кўрсатилган лаборатория таҳлиллари хизмати учун олинадиган тўловлар; зарарсизлантириш (фумигация) ишлари ўтказиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун олинадиган тўловлар;

биологлар фаолияти учун бериладиган техник рухсатнома ва биомахсулот сифати бўйича сертификатлар учун олинадиган тўловлар;

кимёвий ва биологик ҳимоя воситаларининг биологик самардорлиги бўйича ўтказиладиган синовлар учун олинадиган тўловлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

Жамғарма маблағлари Агентликка юкланган **вазифалар ва функцияларни ҳал этиш, илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш** тизимини такомиллаштириш, шунингдек, **Агентлик ходимларини моддий рағбатлантириш** учун йўналтирилади.

Тавсия:

Юқорида қайд этилганларга асосан, давлат бошқаруви органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида, Қонун лойиҳасининг 5-моддаси учинчи

қисмидаги “солиқ бўлмаган тўловлар” деган сўзлардан кейин “(бундан товарлар (хизматлар)ни сотишдан тушган маблағлар мустасно)” деган сўзларни қўшиш лозим.

3.2.2 Қонун лойиҳасининг 8-иловаси билан жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларига солиқ солиш мақсадида 2022 йил учун мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари белгиланмоқда.

Бунда, уй-жойларни ижарага беришни энг кам ставкалари уч тоифадаги ҳудудларга таснифлаган ҳолда (“Тошкент шаҳри”, “Нукус шаҳри ва вилоят марказларидаги шаҳарлар” ҳамда “бошқа аҳоли пунктлари”), автомобиль транспортлари учун эса ҳудудидан қатъий назар бир хил меъёردа белгиланмоқда.

Амалда, уй-жой ижараси ва автомобиль транспортларида хизмат кўрсатиш нархлари ҳамда ушбу хизматларга бўлган эҳтиёжлар Нукус шаҳри ва вилоят марказларидаги шаҳарлар каби бошқа саноатлашган, туристик ва йирик савдо нуқталари мавжуд бўлган туманларда ҳам ортиб бормоқда.

Масалан, Гиждувон, Ургут, Паркент, Денов, Қибрай, Тошкент, Зангиота, Янгийўл, Хазорасп, Зомин ва Қўрғонтепа туманлари (Қорасу шаҳарчаси)да саноат, туристик ва йирик савдо нуқталари мавжудлиги ҳамда Тошкент шаҳри ёки вилоятлар марказларига туташ ҳудудлар сифатида бошқа туман (шаҳар)ларга нисбатан хизматлар кўрсатиш ҳажми юқори.

Тавсия:

а) Мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларини белгилаш ваколатларини ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига берилиши мақсадга мувофиқ.

Бунда, ҳудудларда маҳаллий бюджетларни даромадлар манбаларини янада кенгайтириш, хуфиёна иқтисодиёт улушини қисқартириш мақсадида, иқтисодий фаол, саноатлашган, туристик ва йирик савдо нуқталари мавжуд ҳамда хизматлар кўрсатиш ҳажми юқори ёки аксинча паст бўлган туман(шаҳар)ларни салоҳиятидан келиб чиқиб, табақалаштирилган меъёрларни янада манзилли белгилаш имконияти яратилади.

б) Қонун лойиҳасининг 9-иловасида келтирилган товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун ундириладиган йиғимларнинг чекланган ставкаларини базавий ҳисоблаш меъёрларига асосланган ҳолда (масалан, алкогольли маҳсулотларни сотиш ҳуқуқи учун ундириладиган йиғим миқдори Тошкент шаҳри учун БХМнинг 4,5 баравари сифатида) Солиқ кодексига акс эттириш мақсадга мувофиқ.

в) Қонун лойиҳасининг 10-иловасида келтирилган чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун белгиланаётган йиғимлар ставкалари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 ноябрдаги “Божхона йиғимлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 700-сонли қарори билан тасдиқланган боғхона йиғимлари ставкаларини ягона ҳужжатда жамлаш мақсадида, Боғхона кодексида акс эттириш юзасидан Қонун лойиҳасига тегишли ўзгартиришларни тавсия этилади.

г) Юқоридагилардан келиб чиқиб, Қонун лойиҳасининг 7-моддаси мазмунини қайта кўриб чиқиш ва унинг 8-10 иловаларини Қонун лойиҳасидан чиқариб ташлаш тавсия этилади.

3.2.3 Ҳисоб палатасига Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **11 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан киритилган дастлабки Қонун лойиҳасининг 11-моддасида 2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети тақчиллигининг **чекланган миқдори** ялпи ички маҳсулотнинг **2,5 фоизи миқдорида** белгиланиб, Қонун лойиҳасининг 1- ва 2-иловаларида тақдим қилинган кўрсаткичлар асосида ҳисоб-китоблар амалга оширилганда унинг **ҳақиқий кўрсаткичи 2,63 фоизни ташкил қилаётганлиги маълум бўлди.**

Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори ва Қонун лойиҳасининг 1- ва 2-иловаларидаги кўрсаткичларни ўзаро мувофиқлигини таъминлаш юзасидан ишчи тартибда Молия вазирлигининг масъулларига тақлиф ва тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **19 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан қайта киритилган Қонун лойиҳасида юқорида кўрсатилган тавсиялар инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети тақчиллигининг **чекланган миқдори** ялпи ички маҳсулотнинг **3 фоизи миқдорида белгиланди.**

3.2.4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5252-сон қарорининг биринчи ва еттинчи бандларида чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш объектларида харидни амалга оширган ва ушбу харидни солиқ органларининг махсус мобиль иловасида харид чекининг фискал белгисини матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш орқали рўйхатдан ўтказган жисмоний шахсларга харид суммасининг 1 фоизини қайтариш тартиблари келтирилган.

Бунда, Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитасининг ўрнатилган тартибдаги сўрови асосида харид чекининг фискал белгисини матрицали штрих-код (QR-код) ёрдамида сканерлаш орқали рўйхатдан ўтказган жисмоний шахсларга харид

суммасининг 1 фоизи **республика бюджети маблағлари ҳисобидан** белгиланган муддатларда ўтказиб борилишини таъминлаш белгиланган.

Ҳисоб палатасига Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **11 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан киритилган дастлабки Қонун лойиҳасининг 12-моддасида мазкур тўловлар Ўзбекистон Республикаси **республика бюджети даромадларининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан** амалга оширилиши назарда тутилиб, Ҳисоб палатаси томонидан ушбу тартиб келгусида жисмоний шахсларга харид суммасининг 1 фоизи уларнинг банк карталарига ой якуни билан ўз вақтида қайтариш имкониятларини чеклаши, жумладан:

- республика бюджети даромадларининг ошириб бажарилган қисми ҳар чорак якунлари билан кейинги ойнинг 15 санасига қадар аниқланиб, январь-февраль ойларида харид суммасининг 1 фоизини қоплаб бериш муддатлари кечиктирилиши;

- даромадларнинг ошириб бажарилган қисми жисмоний шахсларга харид суммасининг 1 фоизини қайтариш учун етарли бўлмай қолиши ёки уларни бошқа йўналишларга сарфланиши эҳтимоллари салбий таъсир қилиши баҳоланиб, Қонун лойиҳасининг 12-моддасида кўзда тутилган мазкур бандни чиқариб ташлаш ва республика бюджетининг харажатлар қисмида ушбу мақсадлар учун маблағларни кўзда тутиш ёки республика бюджетининг тегишли даромадларини камайтириш ҳисобидан амалга ошириш юзасидан Молия вазирлигининг масъулларига таклиф ва тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **19 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан қайта киритилган Қонун лойиҳасида юқорида кўрсатилган **тавсиялар инobatга олиниб**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5252-сонли қарорида белгиланган талаблар асосида жисмоний шахсларга харид суммасининг 1 фоизини қайтариш учун маблағлар **республика бюджетининг тегишли даромадларини камайтириш ҳисобидан** йўналтирилиши белгиланди.

3.2.5 Ҳисоб палатасига Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **11 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан киритилган дастлабки Қонун лойиҳасининг 12-моддаси **биринчи қисми билан юримдик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юримдик шахслардан олинадиган ер солиғи туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ ҳажмда** ўтказилиши назарда тутилган.

Шу билан бирга, ушбу модданинг **иккинчи қисмида ҳам юримдик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юримдик шахслардан олинадиган ер солиғи Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига тўлиқ ҳажмда** ўтказилиши қайд этилган.

Ҳисоб палатаси томонидан ушбу меъёр таҳлил қилиниб, бир вақтнинг ўзида **бир турдаги даромад турини турли даражадаги бюджетлар ўртасида тўлиқ ҳажмда бириктириш имконияти мавжуд эмаслиги**, мазкур солиқ турларини битта бюджет даражасига бириктириш юзасидан Молия вазирлигининг масъулларига таклиф ва тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **19 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан қайта киритилган Қонун лойиҳасида юқорида кўрсатилган **тавсиялар инобатга олиниб**, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинadиган ер солиғи фақатгина Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилиши белгиланди.

3.2.6 Ҳисоб палатасига Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **11 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан киритилган **дастлабки Қонун лойиҳасининг** 1-иловасида турли даражадаги бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари ва Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ўртасида оралик даромадлар ва харажатлар нотўғри чегирилганлиги ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Консолидациялашган бюджетининг жамланма параметрларида Давлат бюджети даромадлари 6 500,0 млрд сўмга кўп, Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари 6 500,0 млрд сўмга кам, Давлат бюджети харажатлари эса 1 000,0 млрд сўмга кўп акс эттирилган.

Бунда, **6 500 млрд сўмлик** тушумлар прогнози 2022 йилда давлат мулкларини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар сифатида кўрсатилиб, аниқ манбалари ва ҳисоб-китоблар асослантирилмаган.

4-жадвал

Т/р	Кўрсаткичлар	2022 йил учун прогноз		
		Қонун лойиҳасининг 1-иловаси бўйича	Ҳисоб палатасининг таклифи	Фарқи
I.	Консолидациялашган бюджет даромадлари	247 454,1	247 454,1	0,0
1.	Давлат бюджети даромадлари	189 973,7	183 473,7	- 6 500,0
2.	Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари	30 518,3	37 018,3	6 500,0
II.	Консолидациялашган бюджет харажатлари	269 500,0	268 500,0	- 1 000,0
1.	Давлат бюджети харажатлари	172 680,5	171 680,5	- 1 000,0

Т/р	Кўрсаткичлар	2022 йил учун прогноз		
		Қонун лойиҳасининг 1-иловаси бўйича	Ҳисоб палатасининг таклифи	Фарқи
IV.	Консолидациялашган бюджет сальдоси	-22 046,0	-21 046,0	1 000,0
V.	Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари сальдоси	-8 005,7	-7 005,7	1 000,0

Ҳисоб палатаси томонидан ушбу ҳолатлар таҳлил қилиниб, 2022 йилда давлат мулкларини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларнинг аниқ манбалари кўрсатилган ҳолда асослантириш лозимлиги, ҳисоб-китоблар асослантирилмаган тақдирда **6 500 млрд сўмлик** тушумлар прогнозини камайтириш юзасидан Молия вазирлигининг масъулларига таклиф ва тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **19 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан қайта киритилган Қонун лойиҳасида юқорида кўрсатилган **тавсиялар инобатга олинди**, хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар бўйича даромадлар прогнози 6 000 млрд сўмга ва Қонун лойиҳасининг 1-иловасидаги Давлат бюджети даромадлари 500,0 млрд сўмга камайтирилди.

3.2.7 Бугунги кунда амалдаги қонунчилик ҳужжатларига асосан автотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш шартномаларини тасдиқлаганлик ва сотиб олганлик учун нотариал идоралар орқали белгиланган миқдорларда давлат божи ҳамда ички ишлар идораларида йиғимлар ундирилади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунига асосан автотранспорт воситаларини **бошқа шахсга ўтказиш шартномаларини тасдиқлаганлик** учун қуйидаги миқдорларда давлат божи ундирилади:

5-жавдал

Т.р	Давлат божини ҳисоблаш учун шартлар	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат божи миқдори
1.	Автотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш	3 йилгача бўлганда	БҲМнинг 4 баравари
		3 йилдан 7 йилгача бўлганда	БҲМнинг 3 баравари
		7 йил ва ундан ортиқ бўлганда	БҲМнинг 2 баравари

Т.р	Давлат божини ҳисоблаш учун шартлар	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат божи миқдори
2.	Агар транспорт воситаси двигателининг қуввати 60 от кучидан 110 от кучигача бўлса, ишлаб чиқарилган санасига қараб	3 йилгача бўлганда	БҲМнинг 6 баравари
		3 йилдан 7 йилгача бўлганда	БҲМнинг 4 баравари
		7 йил ва ундан ортиқ бўлганда	БҲМнинг 3 баравари
3.	Агар транспорт воситасининг двигатель қуввати 110 от кучидан юқори бўлса, ишлаб чиқарилган санасига қараб	3 йилгача бўлганда	БҲМнинг 10 баравари
		3 йилдан 7 йилгача бўлганда	БҲМнинг 8 баравари
		7 йил ва ундан ортиқ бўлганда	БҲМнинг 5 баравари
4.	Битта мототранспорт, мотоаравача, мотоқайиқ учун, ишлаб чиқарилган санасига қараб	3 йилгача бўлганда	БҲМнинг 50 фоизи
		3 йилдан 7 йилгача бўлганда	БҲМнинг 25 фоизи
		7 йил ва ундан ортиқ бўлганда	БҲМнинг 10 фоизи

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунининг 10-иловасига асосан **автотранспорт воситаларини сотиб олганлик учун йиғим** қуйидаги миқдорларда тўланиши белгиланган:

6-жадвал

Т.р	Автотранспорт йиғимини ҳисоблаш шартлари	Йиғим миқдори		
1.	Янги (фойдаланишда бўлмаган) автотранспорт воситалари бўйича, бундан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган автотранспорт воситалари мустасно	харид қилиш нархининг 3 фоизи		
2.	Фойдаланишда бўлган автотранспорт воситалари бўйича:	эксплуатация муддатидан келиб чиқиб ҳар бир от кучига базавий ҳисоблаш миқдори фоизи ҳисобида		
		3 йилгача	3 йилдан 7 йилгача	7 йилдан юқори
	енгил автомобиллар	11	9	6
	мотоцикллар (шу жумладан мопедлар) ва ёрдамчи двигатель ўрнатилган велосипедлар, кажавали ёки кажавасиз	10	7	5
	бошқа моторли транспорт воситалари	16	13	9

Ҳисоб палатасига Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 октябрдаги 02/5-100-сонли хати билан киритилган **дастлабки Қонун лойиҳасининг** 10-илоvasи билан 2022 йил учун автотранспорт воситаларини сотиб олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим қиймати янги ҳамда фойдаланишда бўлган автотранспорт воситалари бўйича харид қилиш нархининг 1 фоизи миқдорида белгиланиши назарда тутилган.

Мазкур ҳолатда автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим қийматини аниқлаш объектини (автотранспорт воситаларини харид қилиш нархини тасдиқловчи ҳужжатлар) аниқлаш имконияти қийинлиги, шунингдек харид нархини тасдиқловчи ҳужжатларни чет эллик фуқаролар томонидан олиб юришга мажбурият юкланаётганлиги сабабли, ортиқча оворагарчиликлар ва кўп сонли ҳақли эътирозларни юзага келтиради.

Шунингдек, жисмоний шахслар томонидан кўчмас ва кўчар мулкни расмийлаштиришда ундириладиган давлат божлари ва тўловлар ўртасида **катта тафовутлар мавжуд**.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ шартномаларни тасдиқлашда нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик **кўчмас мол-мулк учун** умумий майдонига қараб қуйидаги миқдорларда давлат божи ундирилади:

Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоят марказларида жойлашган бўлса:

100 кв.м. гача бўлганда - БҲМнинг 1 баравари;

100 кв.м. дан 200 кв.м.гача бўлганда - БҲМнинг 2 баравари;

200 кв.м. ва ундан ортиқ бўлганда - БҲМнинг 3 баравари.

бошқа аҳоли пунктларида жойлашган бўлса:

100 кв.м. гача бўлганда - БҲМнинг 50 фоизи;

100 кв.м. дан 200 кв.м.гача бўлганда - БҲМнинг 1 баравари;

200 кв.м. ва ундан ортиқ бўлганда - БҲМнинг 1,5 баравари.

Автомобиллар воситаларини бошқа шахсга ўтказиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун ишлаб чиқарилган санаси ва от кучига қараб энгил автомобиллар учун қуввати 110 от кучигача бўлса, ўртача (Chevrolet Nexia-3 мисолида) 1 620,0 минг сўм давлат божи ва 3 118,5 минг сўм йиғим (ёки жами 4 738,5 минг сўм тўлов), қуввати 110 от кучидан юқори бўлса, ўртача (Chevrolet Tracker мисолида) 2 700,0 минг сўм давлат божи ва 3 653,1 минг сўм йиғим (ёки жами 6 353,1 минг сўм тўлов) ундирилади.

Бунда, Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоят марказларида жойлашган умумий майдони 100 кв.м.гача бўлган **кўчмас мол-мулк учун** (ўртача бозор баҳоси 350-400 млн сўм) 270,0 минг сўм давлат божи кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқлар ва улар бўйича тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун (БХМнинг 1,25 баравари) 337,5 минг сўм (ёки жами 607,5 минг сўм тўлов) ундирилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, жисмоний шахсга тегишли бўлган умумий майдони 100 кв.м.гача (умумий майдони 70 кв.м. бўлган уй-жой мисолида) қиймати ўрта ҳисобда 350-400,0 млн сўм бўлган **кўчмас мол-мулкни** бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ харажатлар 607,5 минг сўм, қиймати ўрта ҳисобда 90-100,0 млн сўм бўлган (Chevrolet Nexia-3 мисолида) **кўчар мулкни** бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ харажатлар 4 738,5 минг сўм ёки 8 баробар кўп тўлов ундирилади (нотариусларнинг пуллик хизматларидан ташқари).

Яъни, жисмоний шахсга тегишли 2 турдаги мулклардан бирининг бозор қиймати (автотранспорт) бошқасига (уй-жой) нисбатан 4 баробар паст бўлсада, битимларни давлат рўйхатидан ўтказишда (бож ва йиғим) 8 баробар кўп тўлов ундирилмоқда.

Натижада, фуқаролар олди-сотди шартномаларини расмийлаштириш ўрнига, ишончномаларни расмийлаштириш орқали автотранспорт воситаларини бошқариш ва мулк сифатида тасарруф этиб, кейинчалик мулк муносабатларда айрим ҳолларда ўзаро низоларни келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Тавсия:

Юқорида қайд этилганларга асосан, фуқароларга мулк муносабатларни амалга оширишда давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнларини енгиллаштириш ва мулк ҳуқуқини тўлақонли тасарруф этишга қулай шароитларни яратиш мақсадида, жисмоний шахслар учун кўчмас ва кўчар мулкни расмийлаштиришда ундириладиган давлат божлари ва йиғимлар миқдорини (мулкларни қийматига мутаносиб равишда) қайта кўриб чиқиш (унификация қилиш) лозим.

3.2.8 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 октябрдаги “Геология-қидирув ишларини янада рағбатлантириш ва ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6319-сон Фармонининг 3-бандига асосан 2022 йил 1 январдан бошлаб:

геология-қидирув ва (ёки) изланиш ишлари ўтказиш учун ажратилган ер участкалари юридик шахслардан олинадиган ер солиғи солиш объекти ҳисобланмайди;

ажратилган майдон ва фойдали қазилма турларидан келиб чиқиб, қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган миқдорда ҳисоблаб чиқиладиган,

геологик ўрганишлар учун ер қаъридан фойдаланганлик учун ҳар йиллик лицензия тўлови жорий қилинади;

геологик ўрганишлар учун ер қаъридан фойдаланганлик учун ҳар йиллик лицензия тўлови қуйидагиларга йўналтирилади:

70 фоизи - Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига;

15 фоизи - вилоят маҳаллий бюджетига;

15 фоизи - туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига.

Бюджетномада ва ҳисоб-китобларда мазкур Фармонга асосан геологик ўрганишлар учун ер қаъридан фойдаланганлик учун ҳар йиллик лицензия тўловидан тушадиган тўловлар прогнози ҳисобга олинмаган ва улар тўлиқ ёритилмаган.

Тавсия:

Мазкур солиқ тури ва жорий қилинаётган лицензия йиғими бўйича аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда кутилаётган тушумлар миқдорлари тўғрисида маълумотларни Бюджетномада акс эттириш лозим.

**3.3. Ҳисоб палатасининг таҳлиллари асосида шаклланган
бюджет-солиқ сиёсати соҳасидаги таклифлар**

Ўзбекистон Республикасининг навбатдаги йиллар учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқишда фойдаланиш учун Ҳисоб палатасининг назорат тадбирларида олиб борилган таҳлиллар натижасида ишлаб чиқилган таклифлардан фойдаланиш тавсия этилмоқда.

3.3.1 Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 17-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган солиқлар турига **айланмадан олинадиган солиқ** киритилмаган.

Шу билан бирга, Солиқ кодексининг 18-моддасига асосан “айланмадан олинадиган солиқ” махсус солиқ режими сифатида белгиланиб, унда айрим солиқларни тўлашдан озод этиш, пасайтирилган солиқ ставкаларини ва бошқа солиқ имтиёзларини қўллаш назарда тутилган.

Бироқ, Солиқ кодексининг 66-бобида айланмадан олинадиган солиқ режимида тўланиши озод этилиши, ставкалари пасайтирилиши ва имтиёз берилиши белгиланган солиқлар ёритилмасдан, айланмадан олинадиган солиқ тури кўрсатилиб, уни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиблари келтирилган.

Тавсия:

Юқорида қайд этилганларни инобатга олиб:

Солиқ кодексининг 17-моддасига “айланмадан олинадиган солиқ”ни **солиқ тури сифатида** киритиш;

“айланмадан олинадиган солиқ” солиқ турлари таркибига киритилмаган тақдирда, бюджетнинг даромадлари туридан чиқариб ташлаш лозим.

3.3.2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4938-сон қарорининг 4-бандига асосан ижтимоий солиқ тушумлари қуйидагича тақсимланади:

а) бюджет ташкилотлари бўйича:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига - 99,2 фоиз;

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига - 0,4 фоиз;

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига - 0,4 фоиз;

б) бошқа тўловчилар бўйича:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига - 98,4 фоиз;

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига - 0,8 фоиз;

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига - 0,8 фоиз.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 16-моддасига мувофиқ солиқ деганда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ёки давлат мақсадли жамғармасига тўланадиган мажбурий беғараз тўлов тушунилиши қайд этилган.

Ижтимоий солиқ тушумлари ҳисобидан Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига 2019 йилда 83,5 млрд сўм, 2020 йилда 80 млрд сўм тушумлар ўтказиб берилган бўлса, ушбу ўтказмалар миқдори 2021 йилда 100,0 млрд сўмни, 2022 йилда 110,4 млрд сўм ташкил этиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, давлат бюджетининг ғазна ижроси билан қамраб олинган бюджет ташкилотларида ишловчи ходимлар томонидан **аъзолик бадаллари** сифатида (иш ҳақининг 1 фоизи) 2019 йилда 369,8 млрд сўм, 2020 йилда 422,0 млрд сўм ва 2021 йилнинг январь-октябрь ойларида 380,0 млрд сўм тўловлар амалга оширилган.

Тавсия:

Юқорида қайд этилганларга асосан, Давлат бюджетига ёки давлат мақсадли жамғармасига тўланадиган ижтимоий солиқ тушумларини тақсимлаш меъёрларини солиқлар мақсадига кўра Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ёки давлат мақсадли жамғармасига йўналтирилиши юзасидан **қайта кўриб чиқиш лозим**.

3.3.3 Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 340-моддасига асосан жорий солиқ даври (чорак) учун тўланиши лозим бўлган ҳар ойлик бўнак тўловининг суммаси жорий йилнинг ҳисобот даври учун солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган фойда солиғи суммасининг учдан бирига тенг этиб қабул қилинади.

Шунингдек, ҳар ойлик бўнак тўловини ҳисоблаб чиқариш солиқ органлари томонидан амалга оширилади, бунда солиқ тўловчи келгуси чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар жорий чоракда кутилаётган фойда суммасидан келиб

чиққан ҳолда, бўнак тўловлари суммаси тўғрисида солиқ органларига маълумотнома тақдим этиш ҳуқуқига эга, кутилаётган фойда суммаси асосиз камайтириб кўрсатилган тақдирда солиқ органлари солиқ тўловчилар томонидан тақдим этиладиган солиқ бўйича бўнак тўловлари суммаси тўғрисидаги маълумотномага ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

Ҳисоб палатаси томонидан давлат солиқ хизмати органларида ўтказилган ўрганишларда, тадбиркорлик субъектларининг шахсий ҳисобварақларига бўнак тўловлари солиқ органлари томонидан жорий солиқ даври (чорак) учун тўланиши лозим бўлган бўнак тўловининг суммаси ўтган солиқ даври учун солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган фойда солиғи суммасидан кам бўлмаган миқдорда киритилаётганлиги аниқланди.

Кейинчалик жорий ҳисобот даври тугагандан сўнг, аксарият ҳолларда фаолият зарар билан яқунланган ёки фойда олинмаганлиги сабабли, ундирилган фойда солиғи суммаси солиқ тўловчига қайтариб берилаётганлиги аниқланди.

Мазкур меъёр амалиётга жорий этилиши натижасида, солиқ тўловчи фаолият бошламаган ёки фойда олмаган давр учун улардан фойда солиғи бўйича бўнак ундирилишига, иқтисодий фаолият учун зарур бўлган айланма маблағлари ортиқча олиб қўйилишига сабаб бўлмоқда.

Масалан, Тошкент вилоятида 2021 йилнинг 1-чорак яқунлари бўйича фойда солиғи учун топширилган ҳисоб-китобларга асосан 33 та солиқ тўловчилар фаолияти ўрганилганда, улар томонидан 7 108,6 млн сўм фойда солиғи ҳисобланиб, келгуси давр (2-чорак) фаолияти учун бўнак маълумотномасига асосан 2 174,3 млн сўм, солиқ органлари томонидан бир томонлама солиқ тўловчиларни шахсий ҳисобварақаларига 1 190,4 млн сўм солиқлар ҳисоблаб киритиш орқали ундириб олинганлиги аниқланди.

Кейинчалик, 2-чорак яқунлари билан тақдим этилган якуний солиқ ҳисоботларига асосан ушбу бўнак тарзида ҳисоблаб ундирилган солиқлар солиқ тўловчиларга қайтариб берилган ёки солиқ тўловчиларни шахсий ҳисобварақларида ортиқча тўлов сифатида шаклланиб қолган.

Тавсия:

Юқорида қайд этилганларга асосан, Солиқ кодексининг 340-моддасини қайта кўриб чиққан ҳолда фойда солиғи бўйича бўнак тўловини ҳисоблаш ва ундириш амалиётини бекор қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

3.3.4 Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 119-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳри шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадлари прогнозининг ошириб бажарилиши биринчи – учинчи ҳисобот чораклари учун ҳақиқатда тушган тушумларнинг тегишли ҳисобот чораклари учун солиқлар ва

бошқа мажбурий тўловлар бўйича даромадларнинг аниқланган прогнозидан ортиқ суммаси сифатида қонунчиликда белгиланган тартибда аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 14 мартда 1111-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш” Қоидаларининг 223-бандига асосан бюджет даромадларининг прогнозидан ортириб бажарилган қисмини сарфлашда чорак давомида ортиқча ундирилган солиқ суммасини чорак бошига нисбатан ошган қисмини чегириб қолиниши белгиланган.

Ушбу Қоидаларда ҳам ортиқча ундирилган солиқ суммалари ажратмалар меъёрларига нисбатан тегишли бюджетлардан мутаносиб меъёрларда чегирилиши кўрсатилмасдан, тўлиқ туман (шаҳар) бюджетлари даромадларининг аниқланадиган прогноздан ошириб бажарилишидан чегирилиши назарда тутилган.

Натижада, аксарият ҳудудларда даромадларнинг аниқланган прогноздан ошириб бажарилган қисмидан ортиқча ундирилган солиқ суммаларининг ўсган қисми чегирилмасдан, манбасиз харажатларга йўл қўйилиб келинмоқда.

Жумладан, Андижон ва Тошкент вилоятларида маҳаллий бюджет ва туман (шаҳар)лар бюджетларининг ижроси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг даромадларга оид ваколатлари ҳамда харажатлар бўйича мажбуриятларини бажарилиши Ҳисоб палатаси томонидан ўрганилганда, 2018-2019 йилларда маҳаллий бюджет даромадларининг прогноздан ошириб бажарилган қисмини шакллантиришда солиқлар ҳамда мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўловларнинг ошган қисми чегирилмагани натижасида, қўшимча манбалар Андижон вилоятида 26,4 млрд сўмга, Тошкент вилоятида 33,8 млрд сўмга ортиқча ва нотўғри шакллантирилиб кейинчалик харажатларга йўналтирилган.

Тавсия:

Юқорида қайд этилганларга асосан, Қонун лойиҳасида бюджет даромади прогноз кўрсаткичларини ортиқча тўланган ва ундирилган солиқлар ҳисобига бажарилишини олдини олиш мақсадида 2022 йил 1 январдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра ортиқча ундирилган солиқ суммаларини тегишли даврда ўсган қисми ажратмалар меъёрларига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказилган солиқлар бўйича – Ўзбекистон Республикаси республика бюджети;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳри шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ўтказилган солиқлар бўйича – тегишли маҳаллий бюджетлар даромадларининг аниқланган прогноздан ошириб бажарилишидан чегирилади”.

3.3.5 Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 126-моддасида тегишли бюджетларнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар **хокимликларининг таклифларига асосан** Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларининг қарорлари асосида биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилиши белгиланган.

Бугунги кунда, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан маблағ ажратиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари ва баённомалари тасдиқланган.

Ушбу топшириқлар асосида маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилиши лозим бўлган харажатлар миқдори дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, жами шаклланган қўшимча манбаларга нисбатан 110 фоизни ташкил этмоқда. Жумладан:

40 фоизгача - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сон қарорига асосан янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш ҳудудий жамғармаларига;

30 фоиз - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сон қарорига асосан туман (шаҳар)лар бюджетларининг қўшимча манбалари жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришга;

10 фоизгача - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 августдаги 659-сонли қарорига асосан Ҳарбий-маъмурий секторларни ривожлантириш жамғармасига;

15 фоизи - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартдаги 132-сонли қарорига асосан “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаларига;

15 фоизи - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги ПҚ-5020-сон қарорига асосан “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига.

Бундан ташқари, “Темир дафтари”га киритилган оилалар ва бир марталик маблағ ажратиш тўғрисидаги топшириқлар асосида ҳам маҳаллий бюджетларни қўшимча манбалари сарфланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар **маҳаллий бюджетларини қўшимча манбаларидан фойдаланиш учун** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар **хокимликлари**

томонидан **таклифлар бериш имкониятлари чегараланган** (барча манбалар қарор ва топшириқлар асосида тўлиқ тақсимланган).

Тавсия:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбаларини сарфлаш йўналишларини қатъий белгилаш амалиёти Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш имкониятларини чеклайди.

Келгусида қонун ва қонуности ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда, белгиланаётган тадбирлар учун харажатларни амалга ошириш манбаи сифатида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбаларини белгилаш (кўрсатиш) амалиётини чеклаш талабини Қонун лойиҳасига киритиш мақсадга мувофиқ.

3.5. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалар даромадларининг 2021 йилдаги кутилаётган ижроси ва 2022 йил учун прогнози

Бюджетномага мувофиқ, **2021 йилда** Давлат бюджетининг умумий даромадлари **173,2 трлн сўмни** (*ЯИМга нисбатан 24%*), шу жумладан давлат солиқ идоралари бўйича **128,8 трлн сўмни** (*17,9%*) ва давлат божхона идоралари бўйича **33,0 трлн сўмни** (*4,6%*) ва Молия вазирлиги тушумлари **11,4 трлн сўмни** (*1,6%*) ташкил қилиши кутилмоқда.

2021 йилда тасдиқланган **147,2 трлн сўмлик** параметр **26,0 трлн сўмга** ортиғи билан бажарилиши кўрсатилган.

2021 йилда юзага келган оғир пандемия шароити айрим солиқ турлари бўйича тасдиқланган прогноз кўрсаткичларини бажарилишида ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётганлиги келтирилган.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра тасдиқланган параметрлар қўшилган қиймат солиғи бўйича 6 661,0 млрд сўмга, айланмадан олинадиган солиқ 402,0 млрд сўмга бажарилмаслик эҳтимоли мавжуд.

Шунингдек, тасдиқланган параметрлар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича **10,9 трлн сўмга** ва бошқа даромадлар бўйича **9,4 трлн сўмга** ортиқча бажарилиши кутилмоқда.

Ҳисоб палатасига Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **11 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан киритилган **дастлабки Қонун лойиҳасида** Давлат бюджети даромадлари 189,9 трлн сўмни ташкил этиб, Ҳисоб палатаси томонидан олиб борилган таҳлиллар натижасида бюджет даромадлари прогнози белгиланишида 6,0 трлн сўм тушумларнинг манбалари мавжуд эмаслиги,

4,4 трлн сўм тушумлар тўлиқ ҳисобга олинмаганлиги аниқланиб, қайта ҳисоб-китоб қилинди.

Шунингдек, Молия вазирлиги билан ҳамкорликда солиқ солиш базасидаги ўзгаришларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқариш ҳажмларидаги ўсиш кўрсаткичларини, солиқ маъмурчилигидаги ўзгаришларни ва солиқ имтиёзлари таркибини таҳлил қилиб, умумий ҳисобда давлат бюджети даромадлари прогнози дастлабки Қонун лойиҳасига нисбатан **3,0 трлн сўмга оширилган ҳолда 193,0 трлн сўм қилиб белгиланмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **19 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан қайта киритилган Қонун лойиҳасига мувофиқ, **2022 йил** учун Давлат бюджети даромадлари (бюджетлараро трансфертлар билан биргаликда) жами **193,0 трлн сўм** (*ЯИМга нисбатан 23%*) миқдорида прогноз қилинмоқда, 2023 йилга мўлжал – **210,7 трлн сўмни** (*21,7%*), 2024 йилга мўлжал – **246,7 трлн сўмни** (*22%*) ташкил қилмоқда.

Шундан, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасига давлат мулкларини сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан **500,0 млрд сўмни** Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига ҳамда объект жойлашган туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига тенг улушларда йўналтирилиши ҳисобидан шакллантирилган.

2022 йил учун Давлат бюджети даромадлари давлат солиқ идоралари бўйича **145,7 трлн сўмни** (*ЯИМга нисбатан 17,3%*), давлат божхона идоралари бўйича **39,8 трлн сўмни** (*4,8%*) ва Молия вазирлиги тушумлари бўйича **7,5 трлн сўмни** (*0,9%*) ташкил қилмоқда.

2022 йил учун давлат бюджети даромадларини прогнози бюджет даромадларига сезиларли таъсир кўрсатувчи нарх ва валюта курсларининг ўртача миқдорлари асосида ҳисоб-китоб қилинган.

Жумладан, прогнозларда валюта курсидаги (*1 АҚШ долларининг ўртача йиллик суммаси – 11 321 сўм*), стратегик маҳсулотларнинг нархлари (*1 троя унция олтин нархи - 1 700 АҚШ доллар, кумушининг нархи - 25 АҚШ доллар, миснинг 1 тоннасига 8 500 АҚШ доллар, 1000 м³ табиий газнинг экспорт нархи – 100 АҚШ доллар*) кутилаётган ўзгаришлар инобатга олинган.

Шунингдек, 2022 йилда импорт ҳажмининг, айниқса акциз солиғининг бекор қилиниши натижасида халқ истеъмол товарлари импорт ҳажмини кичик даражада ошиши, даромадларнинг салмоқли қисмини ташкил қилувчи асосий маҳсулотлар ва акциз солиғига тортиладиган товарларнинг ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошиши, иш ҳақи миқдорларининг ялпи ички маҳсулоти номинал

ўсишига мос равишда ўсиши ҳамда табиий газ экспортининг ошиши ва экспорт нархларининг сақланиб қолиши каби кўрсаткичлар инобатга олинган.

3.5.1 Давлат солиқ қўмитаси тушумлари

2021 йилда давлат солиқ идоралари бўйича кутилаётган **128,8 трлн сўм** тушумларнинг **84,5 трлн сўми (65,6%)** Йирик солиқ тўловчилар билан ишлаш инспекцияси ва **44,3 трлн сўми (34,4%)** ҳудудий солиқ идоралари ҳисобига тўғри келиши ҳисоб-китоб қилинган.

Бюджетномага мувофиқ **2022 йил** учун давлат солиқ идоралари бўйича жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан **13,0 фоиз** ўсиш билан **145,7 трлн сўм (ЯИМга нисбатан 17,3%)** тушум прогноз қилинган.

2021 йил **1 октябрь** ҳолатига фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг солиқ қарзи 3 083,3 млрд сўмни ташкил этиб, йил бошига (1 837,3 млрд сўм) нисбатан **168 фоизга** ёки **1 246,1 млрд сўмга** ўсган.

Бундан ташқари, фаолият юритмаётган корхоналарни 2021 йил **1 октябрь** ҳолатига жами **1 441,7 трлн сўм** солиқ қарзи мавжуд.

2021 йил **1 октябрь** ҳолатига солиқлар бўйича **ортиқча тўлов** суммаси **2 968,6 млрд сўмни** ташкил этиб, йил бошига нисбатан 518,8 млрд сўмга камайган.

3.5.1.1 Қўшилган қиймат солиғи (давлат солиқ идоралари томонидан ундириладиган қисми)

Ушбу солиқ тури бўйича 2021 йилда **25,5 трлн сўм (ЯИМга нисбатан 3,5%)** тушум кутилаётганлиги ҳисоб-китоб қилиниб, тасдиқланган **29,3 трлн сўмлик** прогнозга нисбатан **3,8 трлн сўм** кам маблағ тушиши кутилмоқда.

Прогноз кўрсаткичларининг бажарилмаслигига пандемия шароитида аксарият корхоналарнинг фаолият юритмаганлиги ҳамда пандемиянинг иқтисодий таъсирини юмшатиш бўйича жорий йилда чиқарилган фармон ва қарорлар билан берилган имтиёз ва энгилликлар салбий таъсир қилган.

Бюджетномага мувофиқ қўшилган қиймат солиғи бўйича тушумлар **2022 йил** учун жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан **124,2 фоиз** ўсиш билан **31,7 трлн сўм (ЯИМга нисбатан 3,8%)** тушум прогноз қилинган.

3.5.1.2 Акциз солиғи (давлат солиқ идоралари томонидан ундириладиган қисми)

Ушбу солиқ тури бўйича 2021 йилда **12,6 трлн сўм (ЯИМга нисбатан 1,8%)** тушум кутилаётганлиги ҳисоб-китоб қилиниб, тасдиқланган **11,2 трлн сўмлик** прогноз 112 фоизга бажарилиши ёки прогнозга нисбатан **1,4 трлн сўм** кўп маблағ тушиши кутилмоқда.

Бюджетномага мувофиқ акциз солиғи бўйича **2022 йил** учун жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан 13 фоиз ўсиш билан **14,3 трлн сўм** (*ЯИМга нисбатан 1,7%*) тушум прогноз қилинган.

3.5.1.3 Фойда солиғи

Ушбу солиқ тури бўйича 2021 йилда **38,7 трлн сўм** (*ЯИМга нисбатан 5,4%*) тушум кутилаётганлиги ҳисоб-китоб қилиниб, тасдиқланган **27,8 трлн сўмлик** прогноз 139 фоизга бажарилиши ёки прогнозга нисбатан **10,9 трлн сўм** кўп маблағ тушиши кутилмоқда.

Прогноз кўрсаткичларини ортиқча бажарилишига жорий йил учун прогноз қилинган тушумга нисбатан “Навоий КМК” ДК ва “Олмалик КМК” АЖдан жами **8,2 трлн сўм** кўп тушум тушиши ижобий таъсир қилмоқда.

Бюджетномага мувофиқ фойда солиғи бўйича **2022 йил** учун жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан 7 фоиз ўсиш билан **41,4 трлн сўм** (*ЯИМга нисбатан 4,9%*) тушум прогноз қилинган.

Шундан, йирик солиқ тўловчилар ҳисобланган “Навоий КМК” ДК ва “Олмалик КМК” АЖ томонидан **26,4 трлн сўм** (*3,1%*) ҳамда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ҳисобига **15,0 трлн сўм** (*1,8%*) тўғри келмоқда.

3.5.1.4 Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи

Ушбу солиқ тури бўйича 2021 йилда **18,5 трлн сўм** (*ЯИМга нисбатан 2,6%*) тушум кутилаётганлиги ҳисоб-китоб қилиниб, тасдиқланган **16,9 трлн сўмлик** прогнозга нисбатан **1,6 трлн сўм** кўп маблағ тушиши кутилмоқда.

Бюджетномага мувофиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича **2022 йил** учун жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан 16 фоиз ўсиш билан **21,5 трлн сўм** (*ЯИМга нисбатан 2,6%*) тушум прогноз қилинган.

3.5.1.5 Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ

Ушбу солиқ тури бўйича 2021 йилда **15,7 трлн сўм** (*ЯИМга нисбатан 2,2%*) тушум кутилаётганлиги ҳисоб-китоб қилиниб, тасдиқланган **13,6 трлн сўмлик** прогноз 116 фоизга бажарилиши ёки прогнозга нисбатан **2,1 трлн сўм** кўп маблағ тушиши кутилмоқда.

Бюджетномага мувофиқ ер қаъридан фойдаланганлик учун солиғи бўйича **2022 йил** учун жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан 6,7 фоиз ўсиш билан **16,8 трлн сўм** (*ЯИМга нисбатан 2,0%*) тушум прогноз қилинган.

3.5.1.6 Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

Молия вазирлиги томонидан ушбу солиқ тури бўйича 2021 йилда **688 млрд сўм** тушум кутилаётганлиги ҳисоб-китоб қилинган ва **2022 йил** учун 130,8 фоиз ўсиш билан **900 млрд сўм** тушум прогноз қилинган.

3.5.1.7 Мол-мулк солиғи

Ушбу солиқ тури бўйича 2021 йилда **2 548,0 млрд сўм** (*ЯИМга нисбатан 0,4%*) тушум кутилаётганлиги ҳисоб-китоб қилиниб, тасдиқланган **2 510,0 млрд сўмлик** прогнозга нисбатан **38,0 млрд сўм** кўп маблағ тушиши кутилмоқда.

Мол-мулк солиғи бўйича кутилаётган тушумларнинг **1 591,0 млрд сўми** (63%) юридик шахслар ва **957,0 млрд сўми** (37%) жисмоний шахслар ҳисобига тўғри келади.

Бюджетномага мувофиқ мол-мулк солиғи бўйича **2022 йил** учун жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан 9,5 фоиз ўсиш билан **2 792,0 млрд сўм** (*ЯИМга нисбатан 0,33%*) тушум прогноз қилинган.

Мол-мулк солиғи бўйича прогноз қилинган тушумларнинг **1 779,0 млрд сўми** (64%) юридик шахслар ва **1 013,0 млрд сўми** (36%) жисмоний шахслар ҳисобига тўғри келади.

3.5.1.8 Ер солиғи

Ушбу солиқ тури бўйича 2021 йилда **3 617,0 млрд сўм** (*ЯИМга нисбатан 0,5%*) тушум кутилаётганлиги ҳисоб-китоб қилиниб, тасдиқланган **2 941,0 млрд сўмлик** прогнозга нисбатан **676,0 млрд сўм** кўп маблағ тушиши кутилмоқда.

Ер солиғи бўйича кутилаётган тушумларнинг **2 356,0 млрд сўми** (65%) юридик шахслар ва **1 261,0 млрд сўми** (35%) жисмоний шахслар ҳисобига тўғри келади.

Бюджетномага мувофиқ ер солиғи бўйича **2022 йил** учун жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан 6,3 фоиз ўсиш билан **3 845,0 млрд сўм** (*ЯИМга нисбатан 0,5%*) тушум прогноз қилинган.

Ер солиғи бўйича прогноз қилинган тушумларнинг **2 520,0 млрд сўми** (65%) юридик шахслар ва **1 325,0 млрд сўми** (35%) жисмоний шахслар ҳисобига тўғри келади.

3.5.1.9 Айланмадан олинадиган солиқ

Ушбу солиқ тури бўйича 2021 йилда **1 758 млрд сўм** (*ЯИМга нисбатан 0,2%*) тушум кутилаётганлиги ҳисоб-китоб қилиниб, тасдиқланган **2 160 млрд сўмлик** прогнозга нисбатан **402 млрд сўм** кам маблағ тушиши кутилмоқда.

Бюджетномага мувофиқ айланмадан олинадиган солиқ бўйича **2022 йил** учун жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан 1,5 баробарга ошган ҳолда **2 728 млрд сўм** (*ЯИМга нисбатан 0,3%*) тушум прогноз қилинган.

3.5.1.10 Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар (давлат солиқ идоралари томонидан ундириладиган қисми)

Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар бўйича 2021 йилда **27 378 млрд сўм** (*ЯИМга нисбатан 3,8%*) тушум кутилаётганлиги ҳисоб-китоб қилиниб, тасдиқланган **18 003 млрд сўмлик** прогнозга нисбатан **9 375 млрд сўм** кўп маблағ тушиши кутилмоқда.

Бюджетномага мувофиқ бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар бўйича **2022 йил** учун жорий йилда кутилаётган тушумга нисбатан 10,6фоиз ўсиш билан **30 290 млрд сўм** (*ЯИМга нисбатан 3,6%*) тушум прогноз қилинган.

3.5.2 Давлат божхона қўмитаси тушумлари

2021 йилда божхона тўловлари бўйича **33,0 трлн сўм** (*ЯИМга нисбатан 4,6%*) тушум кутилаётганлиги ҳисоб-китоб қилиниб, тасдиқланган **29,4 трлн сўмлик** прогноз 112 фоизга бажарилиши ёки прогнозга нисбатан **3,6 трлн сўм** кўп маблағ тушиши ҳисоб-китоб қилинган.

Кутилаётган тушумларнинг **27,1 трлн сўми** (*3,8%*) қўшилган қиймат солиғи, **295 млрд сўми** (*0,04%*) акциз солиғи, **4,7 трлн сўми** (*0,7%*) божхона божи ва қолган **851,5 млрд сўми** (*0,1%*) божхона йиғимларини ташкил қилмоқда.

Бюджетномага кўра **божхона тўловлари** бўйича **2022 йил** даромадлар прогнози **39,8 трлн сўмни** ташкил қилиб, шундан **33,7 трлн сўми** (*4,0%*) қўшилган қиймат солиғи, **317 млрд сўми** (*0,04%*) акциз солиғи, **4,8 трлн сўми** (*0,6%*) божхона божи ва қолган **979 млрд сўмини** (*0,1%*) божхона йиғимлари ташкил қилади.

Ҳисоб палатаси томонидан мазкур ҳисоб-китобларнинг асослилиги ўрганилганда, айрим тўлов турлари бўйича Қонун лойиҳасига қуйидаги ўзгартиришлар киритиш лозимлиги маълум бўлди.

3.5.2.1 Импорт товарларга қўшилган қиймат солиғи бўйича

Ҳисоб палатасига Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **11 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан киритилган дастлабки Қонун лойиҳасида импорт қилинадиган товарлар учун **қўшилган қиймат солиғи** бўйича тақдим қилинган ҳисоб-китобга кўра **2022 йилда 33,2 трлн сўм** прогноз қилинган.

Дастлабки тақдим қилинган Қонун лойиҳасидаги кўрсаткичлар Ҳисоб палатаси томонидан таҳлил қилиниб, 2022 йилда импорт қилинадиган товарлар учун кутилаётган қўшилган қиймат солиғи бўйича белгиланаётган 33 200 млрд

сўм прогноз кўрсаткичларини **500 млрд сўмга оширган ҳолда 33,7 трлн сўм** миқдорида белгилаш юзасидан тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **19 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан қайта киритилган Қонун лойиҳасида юқорида кўрсатилган тавсиялар инобатга олиниб, 2022 йилда импорт қилинадиган товарлар учун қўшилган қиймат солиғи прогнози **33,7 трлн сўм** миқдорида белгиланмоқда.

3.5.2.2 Импорт божхона божи бўйича

Қонун лойиҳасида импорт божхона божи бўйича тушумлар прогнози 4 827,0 млрд сўм миқдорида белгиланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 октябрдаги “Рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5262-сон қарори 2024 йил 1 январга қадар импорт божхона божи «ноль» ставкада қўлланиладиган айрим турдаги хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар рўйхати тасдиқланди.

Мазкур рўйхатга киритилган товарлар бўйича 2020 йилда **90,8 млрд сўм**, 2021 йилнинг январь-сентябрь ойларида **81 млрд сўм** божхона божи ундирилган.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 октябрдаги “Аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш ва ички бозорда нархлар барқарорлигини сақлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 627-сон қарори билан 2022 йил 1 майгача қуйидаги товарлар божхона божидан озод қилинган:

- бананлар, плантайнлар (янги ёки қуритилган) – ТИФ ТН коди 0803;
- янги ёки қуритилган финикилар, анжир, ананаслар, авокадо, гуайява, манго ва мангостан ёки гарциния – ТИФ ТН коди 0804;
- янги ёки қуритилган цитрус мевалар – ТИФ ТН коди 0805;
- янги папайя – ТИФ ТН коди 0807 20 000 0;
- янги олма, нок ва беҳи – ТИФ ТН коди 0808;
- киви – ТИФ ТН коди 0810 50 000 0.

Мазкур товарлар бўйича 2021 йилнинг январь-апрель ойларида **160,5 млрд сўмлик** импорт божхона божи ундирилган.

Тавсия:

Юқоридагилардан келиб чиқиб, импорт божхона божи бўйича 2021 йилда кутилаётган тушумлар ва 2022 йил учун прогноз кўрсаткичларини қайта кўриб тавсия этилади.

Мос равишда, солиқ солиш манбасининг камайишини ҳисобга олган ҳолда импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғини 2021 йилда кутилаётган тушумлари ва 2022 йил учун прогноз кўрсаткичларини қайта кўриб тавсия этилади.

3.5.2.3 Акциз солиғи бўйича

Ҳисоб палатасига Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **11 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан киритилган дастлабки Қонун лойиҳасида импорт қилинадиган товарлар учун **акциз солиғи бўйича** тақдим қилинган ҳисоб-китобга кўра **2022 йилда 197 млрд сўм** прогноз қилинган.

Дастлабки тақдим қилинган Қонун лойиҳадаги кўрсаткичлар Ҳисоб палатаси томонидан таҳлил қилиниб, 2022 йилда импорт қилинадиган товарлар учун **акциз солиғи бўйича** белгиланаётган 197,0 млрд сўм прогноз кўрсаткичларини **279 млрд сўмга оширган ҳолда 476,0 млрд сўм** миқдорида белгилаш юзасидан тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **19 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан қайта киритилган Қонун лойиҳасида юқорида кўрсатилган тавсиялар қисман инобатга олиниб, 2022 йилда импорт қилинадиган товарлар учун қўшилган қиймат солиғи прогнози **317 млрд сўм** миқдорида (дастлабки Қонун лойиҳасига нисбатан 120 млрд сўмга оширган ҳолда) белгиланмоқда.

3.5.3 Молия вазирлиги тушумлари

2021 йилда **Молия вазирлиги тушумлари бўйича 11 391 млрд сўм** (*ЯИМга нисбатан 1,6%*) тушум кутилаётганлиги ҳисоб-китоб қилиниб, тасдиқланган **5 047 млрд сўмлик** прогнозга нисбатан **6 344 млрд сўм** кўп маблағ тушиши ҳисоб-китоб қилинган.

Ҳисоб палатасига Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **11 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан киритилган дастлабки Қонун лойиҳасида **2022 йил** учун **Молия вазирлиги тушумлари бўйича 2022 йилда 10,3 трлн сўм** (*ЯИМга нисбатан 1,2%*) тушум прогноз қилинган.

Дастлабки тақдим қилинган Қонун лойиҳасидаги кўрсаткичлар Ҳисоб палатаси томонидан таҳлил қилиниб, 2022 йилда уставида давлат улуши бўлган корхоналар томонидан тўланадиган дивидендларни 3,3 трлн сўмга ошириш ҳамда давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушадиган 6 трлн сўмлик тушумларни аниқ манбалари объектлар кесимида кўрсатиб бериш ёки (агар объектлар кесимида маълумотлар мавжуд бўлмаганда) прогнозни камайтириш юзасидан тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **19 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан қайта киритилган Қонун лойиҳасида юқорида кўрсатилган тавсиялар инобатга олиниб, 2022 йилда Молия вазирлиги тушумларининг прогнози жами **2,8 трлн сўмга** камайтирилиб, **7,5 трлн сўм** миқдорида белгиланмоқда.

3.5.4 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тушумлари

Қайта тақдим этилган бюджет лойиҳасида Пенсия жамғармаси даромадлари 2022 йил учун 28,7 трлн сўм миқдорида ёки 2021 йилда кутилаётган (25,6 трлн сўм) тушумларга нисбатан 112,1 фоизда режалаштирилмоқда.

Жамғарма даромадларининг **28,1 трлн сўми (97,8 фоиз)** ижтимоий солиқ тушумларидан, **568,5 млрд сўми (2,0 фоиз)** бошқа даромадлардан ва **50,0 млрд сўми (0,2 фоиз)** солиқдан ташқари тушумлар ҳисобига шаклланиши режалаштирилган.

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ижтимоий солиқ тушумларидан 2022 йил учун 150 млрд сўм миқдорида ёки 2021 йилда кутилаётган (125 млрд сўм) тушумларга нисбатан 120 фоизда режалаштирилган.

3.5.5 Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари тушумлари бўйича

3.5.5.1 Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари тушумлари бўйича прогнознинг шакллантирилиши.

Ҳисоб палатасига Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **11 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан киритилган дастлабки Қонун лойиҳасида 2022 йилда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига кутилаётган тушумлар **13,7 трлн сўм** миқдорида прогноз қилинган.

Ҳисоб палатаси томонидан бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари бўйича тушумлар прогнози ҳар бир соҳа ва ташкилотлар кесимида таҳлил қилганда, айрим вазирлик ва идоралар таркибига кирувчи бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари бўйича тушумлар 2022-2024 йилларда кўзда тутилган жамғарма даромадлари таркибида **тўлиқ камраб олинмаганлиги маълум бўлди.**

Масалан, Ички ишлар вазирлиги (2019 йилда 551,9 млрд сўм, 2020 йилда 620,2 млрд сўм, 2021 йил 9 ойда 584,6 млрд сўм), Давлат божхона қўмитаси (2019 йилда 345,2 млрд сўм, 2020 йилда 327,3 млрд сўм, 2021 йил 9 ойда 299,7 млрд сўм), Давлат хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги каби ташкилотларнинг жамғармалари инобатга олинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **19 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан қайта киритилган Қонун лойиҳасида юқорида кўрсатилган тавсиялар инобатга олиниб, консолидациялашган бюджетнинг 2022 йилги прогнозида бюджет ташкилотларининг бюджетдан

ташқари жамғармалари тушумлари **14,6 трлн сўм** миқдорида (дастлабки Қонун лойиҳасига нисбатан 977,1 млрд сўмга оширган ҳолда) белгиланмоқда.

IV. Бюджетномада кўзда тутилган бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари таҳлили, Ҳисоб палатасининг таклиф ва мулоҳазалари

4.1. 2022 йилги бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари

2022 йилга мўлжалланган бюджет сиёсатининг устувор йўналишлар сифатида қуйидагилар назарда тутилган:

бюджет сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлигини, жумладан соғлиқни сақлаш, таълим ва ижтимоий ҳимояни ривожлантиришни таъминлаш;

йиллик бюджетни шакллантиришда “натижага йўналтирилган бюджет” тизимини босқичма-босқич тўлақонли жорий этиш;

Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш мақсадида, илғор хорижий тажрибадан ҳамда халқаро молия институтлари экспертларининг тавсияларидан келиб чиққан ҳолда солиқ-бюджет сиёсатининг узоқ муддатли чекловлари – “Фискал қоидалар”ни ишлаб чиқиб, бюджет қонунчилигига киритиш;

бюджет очиклигини янада ошириш, бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик назоратини кучайтиришни таъминлаш мақсадида аҳолининг бюджет маблағларини тақсимлаш жараёнидаги фаол иштирокини янада кенгайтириш;

бюджет харажатларини барқарор ривожлантириш мақсадларига боғлаш ва шу орқали барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадларга эришишни жадаллаштириш;

гендер тенгликка эришишни бюджет жараёнларига интеграциялаш орқали **гендер тенгликка йўналтирилган бюджетлаштириш** тизимини амалиётга босқичма-босқич жорий этиш.

4.1.1 Қонуни лойиҳасида қуйидагилар кўзда тутилмоқда. Жумладан:

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга республика бюджетидан ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш юзасидан:

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан жорий йил учун соҳани ривожлантириш дастурларини шакллантириш, шунингдек юридик ва молиявий мажбуриятларни қабул қилиш фақат уларнинг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар миқдори доирасида амалга оширилиши белгиланмоқда.

Бунда, биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда ўзларининг жорий харажатлар таркибидаги дастурий ва бошқа харажатларига ажратиладиган маблағларни қайта тақсимлаш ваколоти берилмоқда;

биринчи даражали бюджет маблағлари тақсимловчилари Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан маблағ олувчи қуйи ташкилотларига ўзларига ажратилган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини 10 фоизгача Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан йўналтириш белгиланмоқда;

молия йилини биринчи ярим якунлари бўйича даромад прогнозларининг бажарилмаган ва жорий молия йилининг охиригача уларнинг келиб тушишига доир етарли асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда республика бюджети умумий харажатлари ҳажмини 3 фоизгача Молия вазирлигининг таклифига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан, 3 фоиздан юқори миқдорларда Вазирлар Маҳкамаси таклифига биноан Олий Мажлис томонидан камайитириш тартиби ўрнатилмоқда.

Бюджет тизимини узоқ муддатли барқарорлигини таъминлаш ҳамда давлат ташқи қарзи ҳажмининг ўсиш суръатларини секинлаштириш мақсадида:

- молия йили якуний санаси ҳолатига Ўзбекистон Республикаси номидан ва унинг кафолати остида жалб қилинган давлат қарзи қолдиғининг миқдори жорий йил ялпи ички маҳсулотига нисбатан 60 фоиздан ошмаслиги;

- 2022 йил давомида Ўзбекистон Республикаси номидан ва унинг кафолати остида ички ва ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган соф ҳажми 4,5 млрд АҚШ доллари, шундан Давлат бюджетини қўллаб қувватлаш ва лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган чора-тадбирларни молиялаштириш учун - 2,0 млрд АҚШ доллари, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун - 2,5 млрд АҚШ доллари миқдорида;

2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган давлат қимматли қоғозларининг чекланган соф ҳажми - 6 трлн сўм миқдорида белгилаш назарда тутилмоқда.

2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети тақчиллигининг юқори чегараси ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,5 фоиз миқдорида белгиланмоқда.

Консолидациялашган бюджет таркибида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари даромадлари ва харажатлари таҳлили маълумот тарзида келтирилмоқда.

Тавсия:

Қонуни лойиҳаси билан биргаликда ўрта муддатли давр учун фискал стратегияни ишлаб чиқиш ҳамда Молия вазирлигининг расмий веб сайтыда эълон қилиш.

4.1.2 Ҳисоб палатасига Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **11 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан киритилган **дастлабки Қонун лойиҳасининг 9-моддасида** Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг харажатларини қисқартириш бўйича қарорлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан қабул қилиниши кўзда тутилган.

Бунда, бюджетлар харажатларини қисқартиришда бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағларини олувчиларнинг бюджет маблағларини ўзлаштириши, шунингдек қабул қилинган юридик ва молиявий мажбуриятлари ҳисобга олиниши белгиланган.

Ҳисоб палатаси томонидан ушбу ҳолатлар таҳлил қилиниб, Бюджет кодексининг 120-моддаси билан бюджет тизими бюджетларининг ижроси жараёнида бюджетдан ажратиладиган маблағларни камайтирилиши тартибига қатъий риоя қилиш лозимлиги тўғрисида тавсиялар берилди.

Бюджет кодексининг 120-моддасига кўра, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар қуйидаги ҳолатларда:

- бюджет ташкилотларининг тармоғи, штатлари ва контингентлари бўйича режа бажарилмаганлиги;

- бюджет ташкилотларининг тасдиқланган штат жадвалида назарда тутилган штат бирликлари тўлдирилмаганлиги;

- бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари олувчилар фаолияти тўхтатиб турилганлиги - тўхтатиб турилган давр учун;

- бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг тасдиқланган харажатлар сметаларида назарда тутилган, давлат молиявий назорати бўйича тадбирлар давомида аниқланган ортиқча ва қонунга хилоф равишда бюджетдан ажратилган маблағларнинг суммаларига камайтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **19 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан қайта киритилган Қонун лойиҳасида юқорида кўрсатилган **тавсиялар инobatга олиниб**, бюджетлар харажатларини қисқартиришда бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағларини олувчиларнинг бюджет маблағларини ўзлаштириши (бунда, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни Бюджет кодексининг 120-моддасига мувофиқ), шунингдек қабул қилинган юридик ва молиявий мажбуриятлари ҳисобга олиниши белгиланмоқда.

4.1.3 Ҳисоб палатасига Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **11 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан киритилган **дастлабки Қонун лойиҳасининг 2-моддасида:**

- чет эл манбаларидан грант асосида ажратилган маблағларни биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун ажратилиши белгиланган миқдорларида;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига асосан **Молия вазирлиги томонидан** республика бюджетининг йиллик харажатлари фақатгина молиялаштириш манбаси мавжуд бўлганида **10 фоизгача** миқдорда мазкур бюджет қонунига ўзгартириш киритилмасдан кўпайтириш мумкинлиги белгиланган.

Бюджет Кодексининг **50-моддасида** Давлат бюджети даромадларини шакллантириш манбалари сифатида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар билан бир қаторда юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушадиган қайтарилмайдиган пул тушумлари кўрсатилган бўлиб, чет эл манбаларидан грант асосида ажратилган маблағлар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан шаклланган бюджет даромадлари каби белгиланган қоидалар асосида харажатларга йўналтирилади.

Бюджет Кодексининг **26-моддасига** асосан Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг кўшимча манбалари ва йил бошига қолдиқ маблағлари тегишли равишда улар умумий харажатларининг **3 фоизидан ошмаган** миқдорда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ фойдаланилади ҳамда фойдаланилган маблағлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ҳар чоракда ҳисобот тақдим этилади.

Мазкур харажатлар **3 ва ундан ортиқ фоизга ошган тақдирда Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунга ўзгартиришлар киритилади.**

Ҳисоб палатаси томонидан ушбу ҳолатлар таҳлил қилиниб, бюджет харажатларининг **очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш**, Олий Мажлис палаталарининг бюджет ижроси жараёнидаги **парламент назоратини сусайтирмаслик** мақсадида, **бюджет қонунига ўзгартириш киритилмасдан** республика бюджетининг йиллик харажатларини **10 фоизгача ошириш таклифини чиқариб ташлаш** ҳамда амалдаги Бюджет кодексининг 26-моддасига қатъий риоя этиш лозимлиги **тавсия этилди.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **19 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан қайта киритилган Қонун лойиҳасида юқорида кўрсатилган **тавсиялар инobatга олиниб**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига асосан республика бюджетининг йиллик харажатлари фақатгина молиялаштириш манбаси мавжуд бўлганида **10 фоизгача** миқдорда **Молия вазирлиги томонидан бюджет қонунига ўзгартириш киритилмасдан кўпайтириш таклифи** Қонун лойиҳасидан чиқариб ташланди.

Тавсия:

Қонун лойиҳасининг 2-моддасида киритилаётган ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга молик миллий давлат дастурларини ҳамда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантиришга доир лойиҳаларни молиялаштиришни қўллаб қувватлаш мақсадида, чет эл манбаларидан (чет давлатлар, халқаро ташкилотлардан, халқаро молия ва иқтисодий институтлардан,

чет эл ҳукуматларининг молия ташкилотлари) грант асосида ажратилган маблағларни биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун ажратилиши белгиланган миқдорлари мазкур Бюджет қонунига ўзгартириш киритилмасдан кўпайтириш таклифини қуйидагича таҳрир қилиш тавсия этилади:

Ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга молик миллий давлат дастурларини ҳамда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантиришга доир лойиҳаларни молиялаштиришни қўллаб қувватлаш мақсадида, чет эл манбаларидан (чет давлатлар, халқаро ташкилотлардан, халқаро молия ва иқтисодий институтлардан, чет эл ҳукуматларининг молия ташкилотлари) грант асосида ажратилган маблағларни **(бундан миқдори ва соҳаларини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан мустақил белгилаш шартлари (имкониятлари)да тақдим этилган грант маблағлари мустасно)** биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун ажратилиши белгиланган миқдорлари мазкур Бюджет қонунига ўзгартириш киритилмасдан кўпайтирилади.

4.1.4 Қонун лойиҳасининг 2-моддасида Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда ўзининг жорий харажатлари таркибидаги тармоқни ривожлантириш давлат дастурларини амалга ошириш учун ажратилган маблағларни бир ривожлантириш дастуридан бошқа ривожлантириш дастурига қайта тақсимлашга ҳақли этиб белгиланмоқда.

Бюджет кодексининг 145-моддасида объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун **капитал қўйилмаларни амалга ошириш учун назарда тутилган маблағларни жорий харажатларга йўналтириш тақиқланган.**

Тавсия:

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар жорий харажатлари таркибидаги тармоқни ривожлантириш давлат дастурларини амалга ошириш учун ажратилган маблағларнинг мақсадли ва манзилли йўналтирилишини таъминлаш мақсадида, ушбу маблағларни биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг **сақлаш билан боғлиқ харажатларига йўналтиришни тақиқлаш зарур.**

4.2. Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш

Қонун лойиҳасида бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, маҳаллий бюджетларнинг мустақиллигини ошириш бўйича қуйидагилар кўзда тутилган:

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ташаббуси билан амалга ошириладиган кўшимча тадбирлар фақат Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг кўшимча манбалари ҳисобидан амалга ошириш;

чораклар якуни бўйича даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларининг Вазирлар Маҳкамасига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилиш ҳамда бу таклиф Вазирлар Маҳкамаси томонидан Қонун лойиҳасида белгиланган тартибда кўриб чиқиш;

2022 йилда қуйидаги харажатларни:

Тошкент шаҳридаги умумтаълим, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини, ичимлик суви билан таъминлаш тизими объектларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги умумтаълим муассасаларини, мактабгача таълим ташкилотларини, соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш, шунингдек суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари доирасида объектларни таъмирлаш-тиклаш ишлари билан боғлиқ харажатлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети ва вилоятларнинг вилоят бюджетидан;

адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш тегишинча, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан;

кўп квартирали уй-жой фондига туташ ҳудудларни таъмирлаш харажатлари ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимига кирувчи иссиқлик таъминоти ташкилотларининг иссиқлик тармоқлари ва қозонхона ускуналарини капитал таъмирлаш харажатлари Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштириш.

Барча туман (шаҳар)ларда тегишли бюджетларнинг тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоизини, шунингдек туман (шаҳар)лар бюджетларининг қўшимча маблағларининг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилиши белгиланган.

2022 йилда қуйидаги солиқ турлари туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетига қуйидагилар тўлик ўтказилади:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

айланмадан олинадиган солиқ;

қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлар ва ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар;

мобил алоқа хизматлари, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2021 йилнинг 1 июль

ҳолатига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолиси сонининг республика аҳолиси сонига мувофиқ.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетига қуйидаги улушларда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумларнинг (жисмоний шахслар мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ташқари) Навоий вилоятида 90 фоизи, Тошкент вилоятида 60 фоизи, Тошкент шаҳрида 5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи;

фойда солиғидан тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб боровчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) Тошкент вилоятида 60 фоизи, Тошкент шаҳрида 5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи ўтказилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари:

тегишли даражадаги маҳаллий бюджетларга ажратиладиган солиқларни ва бошқа турдаги даромадларни (шу жумладан ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган даромадларни) ҳамда бюджетлараро трансфертларни тақсимлашга;

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори ва Халқ депутатлари Кенгашлари қарорлари билан белгиланган айрим шаҳарлар ва туманлар учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳамда юридик шахслардан олинадиган ер солиғи тушумларини ушбу ҳудудларга тўлиқлигича қолдиришга;

даромадларнинг прогнозини ошириб бажаришдан олинган маблағларнинг бир қисмини туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун беришга ҳақли эканлиги белгиланмоқда.

Туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари туманлар ва шаҳарларнинг оммавий дам олиш ва туризмга ихтисослаштирилган айрим ҳудудларида ижара тўлови бўйича энг кам ставкаларга Тошкент шаҳри учун белгиланган миқдорларгача ўсиб боровчи коэффициентларни киритишга ҳақли эканлигини белгиланмоқда.

Агар қонун ҳужжатларида маҳаллий бюджетларга тушадиган даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса, бу турдаги даромадлар Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетига ўтказилиши кўзда тутилмоқда.

Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан 2022 йилнинг 1 июлига қадар 2021 йил яқунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорида, олтин казиб олувчи корхоналар бўйича фойдасининг 100 фоизи миқдорида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тегишли равишда ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2022 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмасдан тегишли даражадаги бюджетларга кўзда тутилмоқда.

Устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ, давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахсларнинг улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан 2021 йил яқунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоиздан кам бўлмаган қисмини 2022 йилнинг 1 майига қадар акциядорлар ўртасида тақсимлаши ва 2022 йилнинг 1 августига қадар ўтказишлари лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар ҳамда уларнинг таркибидаги корхоналари томонидан 2022 йил учун дивидендлар (соф фойдадан ажратмалар) тўлаш миқдорлари ва даврийлигини қонунчиликда белгиланган тартибда аниқлаш ҳуқуқига эгаллиги белгиланмоқда.

Худудлардаги даромад ва харажатлар ўртасида манфий фарқни қоплашга йўналтириладиган Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва вилоятлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи трансфертлар 15 256,6 млрд сўм миқдорида белгиланган.

4.3. 2022 йил Давлат бюджети харажатлари таркибининг таҳлили

4.3.1 2022 йилги консолидациялашган бюджет харажатлари 277,2 трлн сўм ёки ЯИМга нисбатан 33,0 фоиз миқдорида прогноз қилинмоқда.

Давлат бюджети харажатлари 177,7 трлн сўмни (Давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиладиган трансфертлардан ташқари), давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари 58,0 трлн сўмни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси харажатлари 14,8 трлн сўмни (Давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиладиган трансфертлардан ташқари) ташкил этади.

Давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиб бериладиган 24,9 трлн сўм миқдоридаги трансфертлар алоҳида кўрсатилган ва Қонун лойиҳасининг 1, 3, 5-иловаларида келтирилган.

**Консолидациялашган бюджетнинг
2022 йилги прогнози ва 2023–2024 йиллардаги мўлжаллари, трлн сўм**
(Бюджетнома маълумотлари)

Кўрсаткичлар		2022 йил	2023 йил	2024 йил
I	Консолидациялашган бюджет даромадлари	252,2	271,4	313,2
	<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	<i>30,0</i>	<i>27,9</i>	<i>27,8</i>
	Давлат бюджети даромадлари	192,5	210,3	246,3
	Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари *	31,7	34,1	38,0
	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари тушумлари**	14,7	15,7	16,5
	Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тушумлар	13,3	11,3	12,4
II	Давлат бюджети ва мақсадли жамғармалари ўртасидаги трансфертлар	24,9	26,1	28,1
III	Консолидациялашган бюджет харажатлари	277,2	300,0	337,8
	<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	<i>33,0</i>	<i>30,8</i>	<i>30,0</i>
	Давлат бюджети харажатлари *	177,7	194,0	221,7
	Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари	58,0	61,7	67,0
	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари харажатлари**	14,6	15,6	16,3
	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларининг сарфланиши	14,8	15,1	18,0
	Ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар	12,0	13,6	14,9
	Консолидациялашган бюджет сальдоси	-25,0	-28,6	-24,6
IV	<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	<i>-3,0</i>	<i>-2,9</i>	<i>-2,2</i>
V	Давлат қарзларини сўндириш	12,9	11,4	15,1
	<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	<i>1,5</i>	<i>1,2</i>	<i>1,3</i>

* Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари ўртасидаги трансфертларсиз кўрсатилган.

** Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари тушумлари ва харажатлари маълумот учун кўрсатилган

4.3.2 2022 йил харажатларини ҳисоблаш тартибини таҳлили

2022 йил учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг харажатларини шакллантириш ҳисоб-китоблари таҳлил қилинганда, бюджет лойиҳаси қуйидаги усулда:

2021 йил ва ундан олдинги йилларда тасдиқланган ҳамда 2021 йилда якунига етказилган дастурларни харажатлар таркибидан чиқариш;

2021 йил давомида харажатлар структурасида бўлган ўзгаришлар (соҳалар ўзгариши, янги ташкил этилган ташкилотлар)ни ҳисобга олиш;

2021 йилдаги ҳамда 2022 йилда кўзда тутилган иш ҳақи, коммунал тўловлар, ёқилғи ва бошқа маҳсулотларни нархларининг ошиш индексларини 2021 йил учун тасдиқланган харажатларга қўллаш орқали шакллантирилганлиги маълум бўлди.

4.3.3 Ҳисоб палатасига Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **11 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан киритилган **дастлабки Қонун лойиҳасининг 8-моддасида**, 2022 йил учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳажми **1 046,9 млрд сўм** ёки 2021 йилга нисбатан 116,0 фоизга ортиқ миқдорда белгиланган.

Маълумот учун, 2021 йил учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳажми 903,4 млрд сўм этиб белгиланган.

Ҳисоб палатаси томонидан ушбу ҳолатлар таҳлил қилиниб, Қонун лойиҳасининг 5-иловаси билан Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги жорий харажатлари таркибида Ўзбекистон Республикаси делегацияларининг хорижий мамлакатларга ташрифларини ва чет эл делегацияларини, давлат ва сиёсий арбобларни қабул қилиш билан боғлиқ харажатлар учун мос равишда 17 млрд сўм ва 21 млрд сўм, **жами 38 млрд сўм** маблағ кўзда тутилганлиги сабабли, **Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармаси ҳажмини 38 млрд сўмга камайтириш тавсия қилинди.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **19 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан қайта киритилган Қонун лойиҳасида юқорида кўрсатилган **тавсиялар инobatга олинди**, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил учун ажратиладиган **захира жамғармаси миқдори 1 008,9 млрд сўм қилиб белгиланмоқда.**

4.3.4 Ҳисоб палатасига Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **11 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан киритилган **дастлабки Қонун лойиҳасининг 5-иловасида** республика бюджетидан **биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида** Давлат тиббий суғурта жамғармасига жами **599,5 млрд сўм** маблағ режалаштирилган бўлиб, шундан 10,5 млрд сўми Жамғармани сақлаш харажатларига, 589,0 млрд сўми трансфертлар сифатида кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4890-сон қарори билан Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ташкил этилган.

Қонун лойиҳасининг 3-иловасида Давлат тиббий суғурта жамғармаси **Давлат мақсадли жамғармаси сифатида** белгиланиб, жамғарманинг даромадлари ва харажатлари кўрсаткичлари кўрсатилган.

Ҳисоб палатаси томонидан ушбу ҳолатлар таҳлил қилиниб, Давлат тиббий суғурта жамғармаси мақсадли жамғарма эканлигини инобатга олиб, ушбу жамғармани Қонун лойиҳасининг 5-иловасидаги республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилари рўйхатидан чиқариб ташлаш ҳамда Жамғармага республика бюджетидан режалаштирилган **599,5 млрд сўм** маблағни Молия вазирлиги таркибида Давлат тиббий суғурта жамғармасига трансфертлар сифатида белгилаш тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **19 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан қайта киритилган Қонун лойиҳасида юқорида кўрсатилган **тавсиялар инобатга олиниб**, Қонун лойиҳасининг 3-иловаси билан Давлат тиббий суғурта жамғармаси даромадлар таркибидаги республика бюджетидан олинadиган трансфертлар миқдорини 599,5 млрд сўм этиб белгиланмоқда.

4.3.5 Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 3-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан қонун билан белгиланган миқдорда ажратилadиган бюджет маблағларини тақсимловчи юридик шахс - **биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи** ҳисобланади.

Ҳисоб палатасига Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **11 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан киритилган дастлабки **Қонун лойиҳасида** айрим **биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи** юридик шахслар бошқа **биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар** таркибида нотўғри кўрсатилган.

Жумладан, Қонун лойиҳасининг 5-иловасида **Маданият вазирлигига** биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида ажратилган маблағларнинг чекланган миқдори кўрсатилган ҳамда ушбу харажатлар таркибида **“Ўзбеккино” Миллий агентлигининг** харажатлари нотўғри кўрсатилган.

Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматларини ривожлантириш агентлигининг харажатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси харажатлари таркибида нотўғри акс эттирилган.

Ҳисоб палатаси томонидан ушбу ҳолатлар таҳлил қилиниб, бюджет харажатларнинг очиклиги ва шаффофлиги ҳамда Бюджет Кодексида белгиланган талабларга риоя қилиш мақсадида биринчи даражали бюджет тақсимловчилар таркибини қайта кўриб чиқиш ва Қонун лойиҳасида ажратилган бюджет маблағларнинг чекланган миқдорини **уларнинг ўзига алоҳида сатрда кўрсатиш тавсия этилди.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **19 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан қайта киритилган Қонун лойиҳасида юқорида кўрсатилган **тавсиялар инобатга олиниб**, Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентликларига

ажратилган бюджет маблағларнинг чекланган миқдорлари алоҳида сатрда кўрсатилмоқда.

Қонун лойиҳасининг 5-илоvasи юқоридаги талаблар асосида тўлиқ ўрганиб чиқилмаган ва айрим **биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи** юридик шахслар бошқа **биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи** юридик шахслар таркибида кўрсатилган.

Тавсия:

Қонун лойиҳасининг 5-илоvasида кўрсатилган 2022 йил учун республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорларини **қайта кўриб чиқиш**, хусусан қўйидаги биринчи даражали бюджет тақсимловчилар таркибидан **бошқа биринчи даражали бюджет тақсимловчиларни чиқариб**, улар учун ажратиладиган **маблағларнинг чекланган миқдорини алоҳида сатрда кўрсатиш лозим**. Жумладан:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги таркибидан:

- *Ўзбекистон Бадий академиясини;*

- *Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини.*

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси таркибидан:

- *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини.*

- *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасини;*

- *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтини.*

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибидан:

- *“Соғлом авлод учун” ҳукуматга қаршли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасини;*

- *Республика болалар ижтимоий мослашуви марказини чиқариб, улар учун ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорини алоҳида сатрда кўрсатиш лозим.*

4.3.6 Бугунги кунда 104 та давлат олий таълим муассасаларининг 51 таси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, қолган 53 таси бошқа 16 та соҳавий вазирлик ва идоралар тасарруфида фаолият олиб бормоқда.

Мавжуд давлат олий таълим муассасаларининг 50 фоизи асосий фаолияти таълим жараёни бўлмаган вазирлик ва идоралар тасарруфига олинган бўлиб, таълим жараёнини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ҳамда таълимдаги янгиликларни жорий этишда муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Мисол учун, 2021-2022 ўқув йили учун тиббиёт олийгоҳларида ўқийдиган талабаларни ўқилишини кўчириш масаласини ҳал этилиши Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан кечиктирилиши ижтимоий тармоқларда фуқаролар томонидан бир қатор эътироз ва мурожаатларга сабаб бўлди.

Шунингдек, республикада олий таълим муассасаларининг ягона молиявий бошқаруви мавжуд эмас, 16 та соҳавий вазирлик ва идораларда олий таълим муассасаларини мувофиқлаштирувчи яъни, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги функцияларини такрорловчи бўлинмалари мавжуд бўлиб, уларда 53 та штат бирлигида ходимлар фаолият юритади.

Қонун лойиҳасида тақдим этилган маълумотлар таҳлил қилинганда, 104 та давлат олий таълим муассасалари учун давлат бюджетидан жами 3 640,9 млрд сўм режалаштирилган бўлиб, шундан 51 таси бўйича 2 378,0 млрд сўми (65 фоизи) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажратилаётган маблағлар таркибида, қолган 53 таси бўйича 1 262,9 млрд сўми (35 фоизи) 16 та соҳавий вазирлик ва идораларга ажратилаётган маблағлар таркибида акс эттирилмоқда.

Тавсия:

Давлат олий таълим муассасаларини бошқарувини оптималлаштириш, соҳага масъул бўлган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, мавжуд муаммоларни таҳлили ва ечимини яхлит ҳолатда амалга ошириш ҳамда Давлат бюджети маблағларидан оқилона фойдаланиш мақсадида, **2022 йилдан бошлаб** барча олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиришни ҳамда биринчи даражали бюджет тақсимловчи ваколатини **Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига юклатиш мақсадга мувофиқ.**

4.3.7 Бюджетномада барча бюджет ташкилотларида (таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларидан ташқари) ишлайдиган ходимларни моддий рағбатлантириш махсус жамғармасини бир хил 10 фоиз миқдорда шакллантириш белгиланмоқда.

Бу ҳолат эса, бюджет муассасаларида ишловчи ходимлар реал даромадларининг ҳар ойда ўртача **250 минг сўмдан 1,5 млн сўмгача** камайишига олиб келади.

Тавсия:

Бюджетномада 2022 йилда бюджет муассасаларида ишловчи ходимларнинг иш ҳақини индексацияси (7 %) кутилаётган инфляция даражасидан (9,0 фоиз) паст миқдорда белгиланаётганлиги, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкалари 10 фоизга, электр энергияси **33** фоизга, табиий газ **21** фоизга, иссиқ сув ва иссиқлик энергияси **21** фоизга, совуқ сув ва канализация **33** фоизга **оширилиши** кутилаётганлиги ҳамда аҳолининг реал даромадини тушиб кетишини олдини олиш мақсадида, бюджет ташкилотларида ходимларни (таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларидан ташқари) моддий рағбатлантириш махсус жамғармасини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 20 сентябрда 177-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди тўғрисида”ги Низомда белгиланган 15 фоиздан 10 фоизгача **камайтириш таклифини** бекор қилиш мақсадга мувофиқ.

4.3.8 Қонун лойиҳасининг **5-иловасида Сув хўжалиги** вазирлигига пахта экин майдонларига томчилатиб суғориш технологиясини бир қисмини қоплаш

учун 2022 йилда (1 гектар учун ўртача 8 млн сўмдан жами 92 минг гектарга ҳисобланган ҳолда) **736 млрд сўм субсидия маблағлари ажратилиши кўзда тутилмоқда.**

Сув хўжалиги вазирлиги томонидан ПҚ-5005-сонли қарорга мувофиқ, 2022 йил учун кўзда тутилган 230 минг гектар ер майдонларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш учун 1 гектарга ўртача 8 млн.сўмдан жами 1 840 млрд сўм субсидия олишга буюртма берилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги 95-сонли қарорида республика бўйича субсидияга талабгорлар кесимида манзилли руйхатни шакллантирилиб, **ҳар календарь йилнинг 20 июлига қадар келгуси йилнинг бюджет параметрларини шакллантиришда** инобатга олиш учун Молия вазирлигига тақдим этилиши белгиланган.

Қонун лойиҳасида кўзда тутилаётган 736 млрд сўм субсидия маблағлари бўйича ҳисоб-китобларни асослантирилиши таҳлил қилинганда, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги 95-сонли қарорида белгиланган тартибда талабгорлар кесимидаги манзилли руйхати шакллантирилмаганлиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, 2019-2021 йилларда 5 835 та қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларнинг 149 099 гектар майдонида сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун давлат бюджетидан жами **1 218,4 млрд сўм субсидия ажратилган.**

Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти томонидан сув тежовчи технологиялар учун сарфланган субсидияларни мақсадли ва самарали ишлатилганлиги ўрганилганда, **1 546 та** субъектга ажратилган **310 млрд сўм** (ажратилган маблағларнинг 26 фоизи) субсидиялар **мақсадсиз ва самарасиз сарфланганлиги аниқланди.**

Бунда, томчилатиб суғориш технологиясини доимий сув манбаи мавжуд бўлмаган, ерни шўрланиш даражаси юқори бўлган ва электр таъминоти танқис ҳудудларга жорий қилиниши ҳамда ҳақиқий эҳтиёжлар ўрганилмасдан субсидиялар ажратилганлиги, кейинчалик уларни мақсадсиз ва самарасиз сарфланганишига сабаб бўлган.

Натижада, ушбу фермер хўжаликларига ажратилган субсидия маблағлари (тижорат банклари кредитлари) самара бериш ўрнига уларнинг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатган.

Тавсия:

Фермер хўжаликларни молиявий аҳволи ва **ҳақиқий эҳтиёжини** ўрганиш, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги 95-сонли қарорида белгиланган тартибда талабгорлар кесимидаги манзилли руйхатни шакллантирган ҳолда 2022 йил учун маблағларни аниқ ҳисоб-китоблар асосида режалаштириш.

Бунда, навбатлаб суғориш ҳудудига тушган, тупроқ таркиби (ер шўрланиш даражаси) юқори, сизот сувлари сатҳи яқин ҳамда электр

таъминоти бўлмаган ҳудудларда дастлаб **ушбу муаммолар ечимини хал қилиш масалаларига асосий эътиборни қаратиш лозим.**

4.3.9 Тақдим этилган Бюджетноманинг 4-иловасида, “Бошқа йирик харажатлар” бўлимининг, 3-бандида 2022 йил учун сув насос станцияларининг электр энергияси истеъмоли харажатлари учун **3 132 млрд сўм** ажратилиши кўзда тутилган.

2022 йил учун жами **6 960 млн кВт.соат** электр энергияси учун ёки **2021 йилда кутилаётган ижро доирасида** (6 975 кВт.соат) режалаштирилмоқда.

Шунингдек, тақдим этилган Бюджетноманинг 5-иловасида томчилатиб суғориш тизими жорий этиш ҳисобига иқтисод қилинадиган электр энергия миқдори 2021 йилда 144 млн кВт.соат ва 2022 йилда 206 млн кВт.соатни ташкил этиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги ПҚ-5005-сонли қарорининг 18-иловасида Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станцияларининг электр энергияси истеъмоли 2020 йил учун 7 600 млн.кВт.соат ишлагани, 2021 йил учун 7 300 лимит белгиланган ва 2022 йил учун 7 250 млн.кВт.соат белгиланган.

Амалда электр энергияси истеъмоли 2020 йилда 7 172 млн.кВт.соатни (қарордагига нисбатан 428 млн.кВт.соат кам) ташкил этиб, 2021 йилда 6 975 млн.кВт.соат (қарордагига нисбатан 355 млн.кВт.соат кам) истеъмол қилиниши кутилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сонли қарорининг 1-банди, “б” кичик бандида сув ресурсларини бошқариш соҳасида бозор механизмларини жорий этиш, сув хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш орқали фойдаланиш харажатларини камида 15 фоизга қисқартириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 декабрдаги “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4919-сонли қарорига асосан Республикада 2021 йилда жами 201,2 минг гектарга (*186,3 минг га томчилатиб, 9,0 минг га ёмғирлатиб ва 5,9 минг га дискретли суғориш*) сув тежовчи технологиялари жорий қилинган.

Юқоридаги топшириқларни ижроси ва амалга оширилган ишлар натижасида сув ресурслари ва электр энергия харажатларини сезиларли даражада қисқартирилишига эришилади.

2022 йил учун бюджет лойиҳасини ишлаб чиқишда Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станцияларининг электр энергияси истеъмолини ҳақиқий прогноз кўрсаткичлари, жумладан, сув ресурслари тежалиши ҳисобига

иктисод қилинаётган электр энергия миқдори аниқ ҳисоб-китоб қилинмаган ҳолда маблағлар режалаштирилмоқда.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 31 августдаги 408-сонли қарорида кейинги 3 йилда ҳақиқатда истеъмол қилинган электр энергиясининг ўртача йиллик миқдоридан ва қўшимча равишда фойдаланишга топширилаётган насос станциялари эҳтиёжидан келиб чиқиб белгиланиши кўрсатилган 2022 йил учун лимит ҳисобланган.

Тавсия:

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб Қонун лойиҳасида Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станцияларининг электр энергияси истеъмолини ҳақиқий прогноз кўрсаткичлари аниқлаш, иктисод қилинадиган электр энергияси ҳисобига, 2022 йил учун сув насос станцияларининг электр энергияси истеъмоли учун ажратилган маблағларни **қайта кўриб чиқиб, уларни мақбуллаштириш мақсадга мувофиқ.**

4.3.10 Ҳисоб палатасига Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **11 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан киритилган **дастлабки Қонун лойиҳасида** 2022 йилда давлат бюджети ҳисобидан чиқинди полигонларини қуриш ҳамда жиҳозлаш харажатларига **17,1 млрд сўм** ажратилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги “Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4845-сонли қарори билан “2020-2021 йилларда вилоятлар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан маиший чиқинди полигонларини қуриш ва жиҳозлаш бўйича Манзилли дастур” тасдиқланган бўлиб, **дастур ижроси 2021 йилда тугаган.**

Ҳисоб палатаси томонидан ушбу ҳолатлар таҳлил қилиниб, 2022 йил бюджет лойиҳасида чиқинди полигонларини қуриш ҳамда жиҳозлаш харажатларига ажратилиши режалаштирилган **17,1 млрд сўм** маблағни мақбуллаштириш тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **19 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан қайта киритилган Қонун лойиҳасида юқорида кўрсатилган **тавсиялар инобатга олиниб,** Қонун лойиҳасида чиқинди полигонларини қуриш ҳамда жиҳозлаш харажатларига ажратилиши режалаштирилган **17,1 млрд сўм** маблағлар мақбуллаштирилди.

4.3.11 Қонун лойиҳасининг 5-илоvasи билан Республика бюджетидан иссиқлик энергияси ва иссиқ сувга пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида кўриладиган зарарларни қоплаш учун **267,7 млрд.сўм маблағ** ажратилиши кузда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 71-моддасида, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчиларнинг аҳолига кўрсатилган иссиқлик таъминоти хизматлари учун пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарларининг ўрнини қоплаш харажатлари **Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг харажатлари** ҳисобидан амалга оширилиши кўрсатилган.

Тавсия:

Республика бюджетидан иссиқлик энергияси ва иссиқ сувга пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида кўриладиган зарарларни қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан **асоссиз режалаштирилган 267,7 млрд сўм** маблағни **мақбуллаштириш** ёки тегишли ҳисоб-китоблар асосида маҳаллий бюджетларда режалаштирилиши лозим.

4.3.12 Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан 2021 йил харажатларини мақбуллаштириш имкониятларини таҳлил қилиш, давлат бюджетидан маблағларни режалаштириш тизимлари танқидий кўриб чиқилиб **2,1 трлн сўм** ортиқча режалаштирилган маблағларни мақбуллаштириш имкониятлари аниқланиб, шундан **1,5 трлн сўми** мақбуллаштирилди.

2021 йил ўтказилган ўрганишларда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 132-сонли *“Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги қарори билан 2019-2022 ўқув йилларида жами 8 526 та болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳларини ташкил этиш режаси тасдиқланган.

Амалда, 2021 йил 1 октябрь ҳолатига 2 046 та (**24 фоиз**) гуруҳлар ташкил этилиб, белгиланган режани бажариш муддатлари кечиктирилмоқда.

Ҳисоб палатаси томонидан 2021 йилда рўйхатга олинган харажатлар сметаларини таҳлил қилиш, ортиқча режалаштирилган маблағларни мақбуллаштириш имкониятлари юзасидан танқидий кўриб чиқиш жараёнида Мактабгача таълим вазирлигига ажратилган **158,8 млрд сўм** маблағлардан **101,1 млрд сўми** фойдаланилмаганлиги сабабли, мақбуллаштирилди.

Қонун лойиҳасида Мактабгача таълим вазирлигига 2021/2022 ўқув йилида 5 132 та тайёрлов гуруҳлари ва 4 768 та хона ташкил этиш учун жами 166,8 млрд сўм маблағ режалаштирилган.

2021 йилда олиб борилган таҳлиллардан келиб чиқиб (57,7 млрд сўмга нисбатан), 2022 йилда мазкур йўналишда маблағларга бўлган талабни кескин ортиши кузатилмайди.

Тавсия:

Мактабгача таълим вазирлигининг аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда, мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳларини ташкил этишни ҳақиқий имкониятлари асосида маблағларни режалаштириш мақсадга мувофиқ.

Ҳисоб палатаси томонидан олиб борилган дастлабки таҳлилларга кўра, 2022 йил тайёрлов гуруҳлари ва хоналар ташкил этиш учун **90,6 млрд сўмни** режалаштирган ҳолда, **76,2 млрд сўмни** мақбуллаштириш мақсадга мувофиқ.

4.3.13 Ҳисоб палатасига Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **11 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан киритилган дастлабки **Қонун лойиҳасининг** 3-иловасида Ўзбекистон Республикаси **Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармасига** давлат бюджетидан **1 270,0 млрд сўм** трансферт ажратилиши кузда тутилган.

Ҳисоб палатаси томонидан ушбу ҳолатлар таҳлил қилинганда, Қонун лойиҳасининг 5-иловасида эса ушбу маблағлар **Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига** объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар сифатида нотўғри кўрсатилганлиги маълум бўлди.

Натижада, Қонун лойиҳасида капитал қўйилмалар учун ажратилган жами маблағларнинг миқдори сунъий равишда 1 270,0 млрд сўмга оширилган.

Бундан ташқари, **Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармасига** давлат бюджетидан ажратилаётган **1 270,0 млрд сўм трансфертнинг 18,7 млрд сўми** маҳаллий бюджетдан йўналтирилиши лозим бўлсада, республика бюджети харажатлари таркибида нотўғри режалаштирилганлиги аниқланди.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш юзасидан, **Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига** объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар сифатида нотўғри акс этирилган **1 270,0 млрд сўмнинг 1 251,3 млрд сўмини** Республика бюджетидан ва 18,7 млрд сўмини маҳаллий бюджетлар ҳисобидан **жамғармага** трансферт сифатида йўналтириш бўйича тавсия берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **19 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан қайта киритилган Қонун лойиҳасида юқорида кўрсатилган **тавсиялар қисман инобатга олиниб, 18,7 млрд сўм** трансфертлар маҳаллий бюджет ҳисобидан кўзда тутилган.

Тавсия:

Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармасига ажратилиши режалаштирилган трансфертларни объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар харажатлари таркибидан чиқарган ҳолда алоҳида кўрсатиш лозим (9-жадвал).

4.3.14 Қонун лойиҳасининг 3-иловасида Ўзбекистон Республикаси **Молия вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари ривожлантириш мақсадли жамғармасига** давлат бюджетидан **5 300,4 млрд сўм** трансферт ажратилиши кузда тутилган.

Шундан, 2 880,0 млрд сўми Қонун лойиҳасининг 5-иловасида Транспорт вазирлигининг харажатлари таркибида объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар сифатида нотўғри кўрсатилган.

Тавсия:

Молия вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари ривожлантириш мақсадли жамғармасига ажратилиши режалаштирилган 2 880,0 млрд сўм трансферт маблағларини объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар харажатлари таркибидан чиқариш лозим (9-жадвал).

**2022 йил учун республика бюджетидан биринчи даражали
бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган
маблағларнинг чекланган миқдорлари (Қонун лойиҳасининг 5-илоvasи)**

ТАҚҚОСЛАМА ЖАДВАЛ

				млн сўм
Т/р	Кўрсаткичлар	Қонун лойиҳаси	ХП таклифи	Фарқи
	Республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар, жами	162 554 461,0	162 554 461,0	0,0
	<i>шу жумладан:</i>			
	жорий харажатлар	96 946 930,9	96 946 930,9	0,0
	шундан:			0,0
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	9 607 854,4	9 607 854,4	0,0
	объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	18 364 453,1	14 137 145,6	-4 227 307,5
	давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар	20 675 946,4	24 903 253,9	4 227 307,5
	Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи	15 256 613,4	15 256 613,4	0,0
	қайта тақсимланадиган маблағлар	11 310 517,3	11 310 517,3	0,0
7.	Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	1 689 983,0	1 689 983,0	0,0
	<i>шу жумладан:</i>			0,0
	жорий харажатлар	19 312,8	19 312,8	0,0
	объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	1 670 670,2	323 362,7	-1 347 307,5
	шундан:			
	иссиқлик таъминоти объектларини куриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш учун харажатлар	320 000,0	320 000,0	0,0
	Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармасига трансфертлар	1 347 307,5	1 347 307,5	0,0
11.	Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги	6 382 437,7	6 382 437,7	0,0
	<i>шу жумладан:</i>			0,0
	жорий харажатлар	707 037,7	707 037,7	0,0
	шундан:			
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	560 000,0	560 000,0	0,0
	авиаташувчиларга маҳаллий йўналишлардаги авиакатновлар учун чипта нархининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар	30 000,0	30 000,0	0,0
	аэропортларнинг аэродром комплексларини куриш, капитал таъмирлаш ва реконструкция ишларини компенсация қилиш бўйича харажатлар	530 000,0	530 000,0	0,0
	объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	3 255 000,0	375 000,0	-2 880 000,0
	шундан:			
	Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармасига трансфертлар	2 880 000,0	5 300 400,0	2 420 400,0
	Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармасига трансфертлар (автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш билан боғлиқ харажатлар)	2 420 400,0		-2 420 400,0

4.3.15 Аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш.

Ҳисоб палатасига Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **11 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан киритилган дастлабки **Қонун лойиҳасининг** 5-илоvasи, 29-банди, Молия вазирлигига аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш учун 2022 йил учун **1 849,7 млрд сўм субсидия маблағлари ажратилиши кўзда тутилган.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон Фармони билан бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг **янги тартиби** жорий этилган.

Янги тартибга мувофиқ:

ипотека бозорини узоқ муддатли ресурслар билан таъминлаш мақсадида Молия вазирлиги пул маблағларини тижорат банкларига **20 йил** муддатга бозор шартлари асосида жойлаштиради;

тижорат банклари жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан аҳолига ипотека кредитларини **бирламчи уй-жой бозорида** сотиладиган квартираларни (шу жумладан, **янги тартиб доирасидан ташқари қурилган** ва бирламчи уй-жой бозорида сотиладиган квартираларни) сотиб олиш учун тақдим этади;

даромади юқори бўлмаган фуқароларга ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун **Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан** субсидиялар тўланади. Фоиз тўловлари учун субсидиялар **5 йил** давомида тўланади;

кўп квартирали уй-жойнинг қурилиши тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз маблағлари ва тижорат банкларидан олинган кредитлар ҳисобидан амалга оширилади.

Янги тартиб доирасида **ипотека кредитлари учун ресурслар халқаро молия ташкилотларидан жалб этилган маблағлар** ҳисобидан ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги ПФ-6186-сонли Фармонига асосан **47 006 та** уй-жойлар учун ипотека кредитлари ажратилиши назарда тутилган.

Шундан, янги тартиб доирасида **28 620** квартира ва **6 500 та** якка тартибдаги уй-жойларни қуриш (реконструкция қилиш), “Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ буюртмаси асосида **8 336 та**, “Ўзшаҳар қурилиш инвест” МЧЖ буюртмасида **3 550 та** (ҳарбийларга) квартиралар ажратилиши режалаштирилган.

Осиё тараққиёт банки экспертларининг хулосаларига (2018 йил июль ойида берилган) асосан аҳолини уй-жой билан таъминлаш учун кейинги **25 йил** давомида йилига **145 000 та** уй-жойлар қурилиши лозимлиги кўрсатилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ҳисоб палатаси томонидан ушбу субсидия маблағлари таҳлил қилган ҳолда 2022 йил бюджет лойиҳасида аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш учун **2,1 трлн сўм** (250,3 млрд сўм қўшимча) субсидиялар ажратилиши тавсия этилди.

Шундан:

- **2022 йилда 25 676 та** фуқароларга квартира сотиб олиш учун ипотека кредити бўйича бошланғич бадал ва фоиз тўловларини бир қисмини қоплаш учун **1 523,9 млрд сўм**;

- **2 900 та** фуқароларга якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун ажратилган кредитлар бўйича фоиз тўловларини бир қисмини қоплаш учун **53,6 млрд сўм**;

- **2020 ва 2021 йилларда тўлаб берилган** субсидияларнинг фоиз тўловлари учун **17 808 та** фуқароларга **357,9 млрд сўм**,

- **7 352 та** ҳарбий хизматчиларга ажратилган ипотека кредитлари бўйича фоиз тўловларни бир қисмини қоплаш учун **164,5 млрд сўм**.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **19 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан қайта киритилган Қонун лойиҳасида юқорида кўрсатилган **тавсиялар инobatга олиниб**, Қонун лойиҳасида аҳолини уй-жой билан тахминлаш дастурларини молиялаштириш учун **2,1 трлн сўм** субсидия маблағлари ажратилиши режалаштирилмоқда.

4.3.16 Давлат ривожлантириш дастурларини молиялаштириш учун йўналтириладиган харажатлар таҳлили

2022 йил учун Давлат бюджети лойиҳасида марказлашган капитал қўйилмалар учун 23,2 млрд сўм ёки ЯИМ га нисбатан 2,8 фоиз миқдорида кўзда тутилган.

Бюджетномада кетирилган маълумотларга кўра Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Инвестиция харажатлари доирасида қуйидагилар амалга оширилиши кўзда тутилмоқда:

10-жадвал
млрд сўм

Т/р	Маблағлардан фойдаланиш йўналишлари	2021 йил кутилаётган ижро	2022 йил
	Жами	32 511	23 190
I	Ижтимоий соҳалар, шу жумладан:	7 833	7 309
1	Олий таълим муассасалари	1 079	950
2	Умумтаълим мактаблари	3 232	2 550
3	Мактабгача таълим муассасалари	1 141	1 030
4	Тиббий ва тиббий-ижтимоий муассасалар	1 644	1 920
5	Жисмоний тарбия ва спорт	496	599
6	Маданият ва санъат	180	200
7	Илм-фан ва инновация	60	60
II	Мухандислик-коммуникация тармоқлари, шу жумладан:	1 967	1 686
III	Йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш билан боғлиқ харажатлар	3 652	3 180
IV	Ирригация ва мелиорация объектларини қуриш таъмирлаш ишлари учун	1 175	1 804
V	Маъмурий-худудий, мухандислик-инфратузилма, шунингдек алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шу жумладан:	5 471	5 385
VI	Бошқа йўналишлар	3 473	3 296
VII	Аэропортларнинг аэродром комплексларини қуриш, капитал таъмирлаш ва реконструкция ишлари учун		530

4.3.17 Ҳисоб палатасига Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 октябрдаги 02/5-100-сонли хати билан киритилган дастлабки Қонун лойиҳасининг 5-иловасида Судьялар олий кенгашига объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар учун режалаштирилган 4,3 млрд сўмнинг асослиги ўрганилганда, ҳақиқий эҳтиёж 2 млрд сўмни ташкил этиши маълум бўлди.

Бундан ташқари, Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг бюджет сўровида акс эттирилган объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар учун зарур бўлган 2,9 млрд сўм маблағлар Қонун лойиҳасида кўзда тутилмаганлиги маълум бўлди.

Ҳисоб палатаси томонидан Судьялар олий кенгашига ортиқча ажратилган 2,3 млрд сўм маблағни қисқартириб, Коррупцияга қарши курашиш агентлигига ажратиш тавсия қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **19 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан қайта киритилган Қонун лойиҳасида юқорида кўрсатилган **тавсиялар инобатга олиниб**, Судьялар олий кенгашининг объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар харажатларига 2,0 млрд сўм ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар харажатлари учун 2,9 млрд сўм режалаштирилмоқда.

4.3.18 Давлат бюджети лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва қарорлари ҳамда ҳудудларга ташрифларида белгиланган вазифаларнинг ақс эттирилганлиги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари асосида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастур ва чоратадбирларни амалга ошириш учун 2022 йилги Давлат бюджети лойиҳасида **47 576,7 млрд сўм** маблағлар назарда тутилган.

Жумладан, Давлат бюджетидан 2022 йилда соҳалар кесимида қуйидаги Давлат дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда:

таълим соҳасида ҳозирги кун талаблари даражасидаги юқори малакали кадрларни тайёрлашда узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун **5 412,7 млрд сўм**;

фанни ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун **563,6 млрд сўм**;

соғлиқни сақлаш соҳасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича давлат дастурларига **4 205,5 млрд сўм**;

маданият соҳасидаги давлат дастурларини молиялаштириш учун **418,5 млрд сўм**;

жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш бўйича давлат дастурларига **588,7 млрд сўм**;

тадбиркорлик ва аҳоли бандлигини таъминлаш харажатлари учун жами **2 889,2 млрд сўм**;

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги давлат дастурлари ва тадбирлар учун жами **2 327,2 млрд сўм**, шундан:

зараркунандаларга қарши курашиш харажатларини қоплаш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш харажатларига **50 млрд сўм**;

Жисмоний шахслар томонидан хонадонларда етиштириладиган пилла (хўл пилла) ҳосили учун субсидиялар учун **120,2 млрд сўм**;

пахта хом ашёси етиштирувчиларда ҳамда узумзорларда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун **736,0** млрд сўм;

геология-қидирув ишлари харажатларига қабул қилинган дастурларни амалга ошириш учун **1 200,0** млрд сўм;

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларининг харажатлари учун **1 100,0** млрд сўм;

Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепцияси харажатларига **80,0** млрд сўм;

иссиқлик таъминоти корхоналари учун аҳолига тарифларни паст нархларда ушлаб туриш натижасида кўрилган зарарни қоплаш харажатлари учун **1 152,6** млрд сўм;

маҳаллий автомобиль ишлаб чиқарувчи корхоналарга утилизация харажатларига **100** млрд сўм маблағ режалаштирилмоқда.

Ҳисоб палатаси томонидан Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, ҳудудларга ташрифлари ва йиғилиш баёнларидан иборат жами 81 та ҳужжатдаги 97 та топшириқлар ўрганилганда, 14 та топшириқ ижросини таъминлаш учун зарур бўлган **8 818,4** млрд сўм маблағлар 2022 йил Давлат бюджети лойиҳасида кўзда тутилмаганлиги аниқланди.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июндаги ПҚ-5133-сонли қарорига асосан ўлчаш бирликларини таъминлаш миллий тизимини ривожлантириш, эталонлар ва юқори аниқликдаги ўлчаш воситаларини харид қилиш харажатлари учун 183,4 млрд сўм миқдоридаги маблағ режалаштирилмаган.

4.3.19 Ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар таҳлили

4.3.19.1 Ҳисоб палатасига Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **11 октябр**даги 02/5-100-сонли хати билан киритилган Бюджетноманинг 1-иловасида 2022 йил учун 1 АҚШ долларининг йиллик ўртача алмашув курси **11 321** сўмга прогноз қилинган.

Қонун лойиҳасининг 1-иловасида Консолидациялашган бюджет харажатлари таркибига киритилган ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар миқдори (12 528,9 млрд сўм)ни ҳисоблашда 2022 йилда 1 АҚШ долларининг йиллик ўртача алмашув курси **11 800** сўмдан (Бюджетномада прогноз қилинган курсга нисбатан **479** сўм ортиқча) қўлланилган.

Ҳисоб палатаси томонидан ушбу ҳолатлар таҳлил қилиниб, ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатларни белгилашда қўлланилган валюта курсини бюджетномада кўзда тутилган 2022 йил учун йиллик ўртача алмашув

курси билан мувофиқлаштириш ва маблағлар миқдорини 508,6 млрд сўмга мақбуллаштириш тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **19 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан қайта киритилган Қонун лойиҳасида юқорида кўрсатилган **тавсиялар инобатга олиниб**, Консолидациялашган бюджет харажатлари таркибига киритилган ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар миқдорини дастлабки Қонун лойиҳасига нисбатан 509,6 млрд сўмга камайтирган ҳолда 12 019,3 млрд сўм миқдорида режалаштирилмоқда.

4.3.19.2 Қонун лойиҳасида давлат қарзи ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳажми ва манзилли рўйхати Ҳисоб палатаси томонидан таҳлил қилинганда, 2022 йил учун мўлжалланган Инвестиция дастури лойиҳасида кўзда тутилаётган лойиҳаларни давлат бюджетига тегишли кўрсаткичлари билан ўзаро мувофиқлаштирилмаганлиги маълум бўлди.

Танлов асосида, Инвестиция дастуридаги лойиҳалар бўйича таҳлиллар амалга оширилганда, Қонун лойиҳаси ва 2022 учун мўлжалланган Инвестиция дастури лойиҳаси ўртасида Автомобиль йўллари қўмитаси бўйича жами 59,7 млн доллар (675,8 млрд сўм)га фарқ аниқланди.

Жумладан Қонун лойиҳасида 2 та лойиҳа бўйича 6,7 млн доллар (75,8 млрд сўм) молиялаштириш кўзда тутилган бўлсада, инвестиция дастурида ушбу лойиҳалар кўзда тутилмаганлиги, Қонун лойиҳасида инвестиция дастурига нисбатан 3 та лойиҳа бўйича 45,3 млн доллар (512,8 млрд сўм)га кўп, 2 та лойиҳа бўйича 7,7 млн доллар (87,2 млрд сўм)га кам молиялаштириш кўзда тутилганлиги маълум бўлди.

Масалан, Автомобиль йўллари қўмитасининг 2022 йил учун мўлжалланган Инвестиция дастури лойиҳаси бўйича таклифига кўра (Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига 06.09.2021 йилда киритилган) “4P100 “Мангузар қ.-Жарқўрғон шю-Бандихон қ. - Олтинсой қ.-Денов ш.” автомобил йўлининг 128-174 км қисми ва 4P105 “Дарбанд қ. - Бойсунт. - Элбаён қ.” автомобил йўлининг 5-70 км қисмини цементбетон қопламага ўтказган ҳолда реконструкция қилиш” лойиҳаси доирасида 2022 йилда лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилиши кўзда тутилган бўлиб, **қарз маблағлари ҳисобидан ўзлаштириш кўзда тутилмаган.**

Аммо Қонун лойиҳасида ушбу инвестиция лойиҳаси доирасида 2022 йилда 5 млн доллар **(56,6 млрд сўм) молиялаштириш ортиқча (нотўғри) режалаштирилган.**

Худди шундай, Қонун лойиҳасида Халқ таълими вазирлигининг 3 та лойиҳаси бўйича 85,0 млн доллар (962,2 млрд сўм) молиялаштириш кўзда тутилган бўлсада, ҳақиқатда ушбу лойиҳалар Инвестиция дастури лойиҳасида

истикболли бўлиб, ушбу лойиҳалар бўйича **қарз битимлари имзоланмаган** (2022 йилда имзоланиши кўзда тутилган).

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг “Ўзсувтаъминот” АЖ га тегишли 11 та лойиҳаси доирасида **720,5 млрд сўм** (63,6 млн доллар) молиялаштириш **ортиқча режалаштирилган бўлса**, “Андижон, Чирчиқ, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент (ТЦ-8) шаҳарларида марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш” лойиҳасини молиялаштириш учун **253,9 млрд сўм** (22,4 млн доллар) маблағлар умуман кўзда тутилмаган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022 йилда молиялаштирилиши мўлжалланган жами 12 та лойиҳа учун **561,5 млрд сўм** (49,6 млн доллар) маблағлар **Қонун лойиҳасида кўзда тутилмаган**.

Шу жумладан, “Тиббиёт олий ўқув юртлири клиникалари ва республика клиник шифохоналарининг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш” лойиҳаси бўйича Қувайт араб иқтисодий ривожланиш фондининг 5,3 млн доллар қарзи, “Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий марказларини қуриш ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш” лойиҳаси бўйича Саудия тараққиёт жамғармасининг 5,2 млн доллар қарзи, “Соғлиқни сақлаш тизимида рақамли технологияларни жорий этиш” лойиҳаси бўйича КФВ банкининг (Германия) 5,8 млн доллар қарз молиялаштириш кўрсаткичлари Қонун лойиҳасида кўзда тутилмаган.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 3 та лойиҳаси бўйича **31,1 млрд сўм** (2,8 млн доллар) молиялаштириш **ортиқча режалаштирилган** ва “Чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантиришни молиялаштириш (ФАР)” лойиҳаси учун **84,9 млрд сўм** (7,5 млн доллар) маблағлар кўзда тутилмаган.

Худди шундай, Сув хўжалиги вазирлиги лойиҳалари бўйича 51,7 млн доллар (585,2 млрд сўм), Инновацион ривожланиш вазирлиги бўйича 19,5 млн доллар (220,7 млрд сўм), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги бўйича 9,6 млн доллар (108,7 млрд сўм), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бўйича 4,5 млн доллар (50,9 млрд сўм) фарқлар мавжуд.

Тавсия:

Қонун лойиҳасида давлат қарзи ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳажмини ҳисоблашда ҳар бир лойиҳа бўйича пул маблағларини жалб қилиш кўрсаткичларини тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги билан келишилган ҳолда, тендер ҳужжатлари

тайёрлиги, шартномалар имзоланганлиги, аванс тўловлари амалга оширилганлиги, лойиҳалар доирасидаги ишларнинг бажарилиш ҳолатларидан келиб чиқиб ҳисоб-китобларни қайтадан амалга ошириш лозим.

4.4. Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари таҳлили

Консолидациялашган бюджет лойиҳасида Давлат мақсадли жамғармаларининг 2022 йилги жами даромадлари (*трансфертларни ҳисобга олмаган ҳолда*) **31,7 трлн сўм**, харажатлари эса **58,5 трлн сўм** миқдоридан прогноз қилинмоқда.

Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаларини тақчилликка йўл қўймасдан ишлаб чиқиш мақсадида давлат мақсадли жамғармаларининг 2022 йил бошидаги кутилаётган **6,1 трлн сўмлик** қолдиқ маблағлари инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Давлат бюджетидан давлат мақсадли жамғармаларига ўзларига юклатилган давлат функцияларини тўлиқ амалга оширишлари учун **25,4 трлн сўмлик** мақсадли трансфертлар ажратилиши кўзда тутилмоқда.

11-жадвал

Давлат мақсадли жамғармаларининг 2022 йилги даромад ва харажатлари

млрд сўм

№	Давлат мақсадли жамғармалари	Йил бошига қолдиқ	Даромадлар	мақсадли трансфертлар	Харажатлар	Йил охирига қолдиқ
1	“Эл-юрт умиди” жамғармаси	1,2	0	170,0	170,0	1,2
2	Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма	0,0	0,0	380,0	380,0	0,0
3	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	4 099,8	28 887,5	14 000,0	43 094,6	3 892,8
4	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	8,0	272,1	620,0	892,1	8,0
5	Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш	103,3	59,0	0,0	61,3	101,0
6	Жамоат ишлари жамғармаси	0,1	11,7	300,0	310,7	1,9

№	Давлат мақсадли жамғармалари	Йил бошига қолдиқ	Даромадлар	мақсадли трансфертлар	Харажатлар	Йил охирига қолдиқ
7	Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси	790,0	215,0	300,0	1 005,0	300,0
8	Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси	28,5	558,9	0,0	587,4	0,0
9	Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси	42,1	154,0	91,0	253,4	33,7
10	Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси	216,4	928,6	0,0	928,6	216,4
11	Республика мақсадли китоб жамғармаси	249,7	299,4	605,0	1 154,1	0,0
12	Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси	0,0	86,0	0,0	86,0	0
13	Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	0,2	0,6	0,0	0,6	0,2
14	Бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси	7,3	13,0	0,0	20,3	0,0
15	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси	2,2	54,0	80,0	134,2	2,0
16	Виночиликни ривожлантириш жамғармаси	213,2	30,0	0,0	209,5	33,7
17	Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси	2,6	1,5	0,0	2,0	2,1
18	Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси	361,0	239,7		280,3	320,4
19	Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси	0,0	0,0	1 121,8	1 121,8	0,0
20	Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси	0,0	0,0	1 000,0	0,0	1 000,0
21	Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси	0,0	0,0	5 300,4 (ЎзРТТЖ маблағлар и 1 132,0)	6 432,4	0,0

№	Давлат мақсадли жамғармалари	Йил бошига қолдиқ	Даромадлар	мақсадли трансфертлар	Харажатлар	Йил охирига қолдиқ
22	Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	0,0	0,0	1 366,0	1 366,0	0,0
23	Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси			110,0	110,0	0,0
	Жами	6 125,7	31 724,9	25 444,2	58 513,4	5 913,4

4.4.1 Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси.

Бюджет Кодексининг 36-моддасига асосан, маблағлари солиқлар, мажбурий тўловлар ва жарималар, шунингдек бюджет субсидияларидан шакллантириладиган давлат мақсадли жамғармалари давлат функцияларини амалга ошириш учун ташкил этилади.

Давлат мақсадли жамғармалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 апрелдаги “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича Давлат бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6198-сон Фармони билан, Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси унга Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш Президент жамғармасини ва Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар академиясининг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини қўшиб олиш йўли билан Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси этиб қайта ташкил этилган.

Ушбу жамғарма Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан илмий фаолиятга оид давлат дастурларини молиялаштиради.

Ҳисоб палатасига Вазирлар Маҳкамасининг **2021 йил 11 октябрдаги 02/5-100-сонли хати** билан киритилган **дастлабки Қонун лойиҳасининг 5-илоvasи** билан Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига давлат бюджетидан 110,0 млрд сўм маблағ ажратиш режалаштирилган ҳамда давлатнинг илм-фанни молиялаштириш функцияларини бажариши белгиланган

бўлсада, мазкур жамғарма **Давлат мақсадли жамғармалари таркибига киритилмаган.**

Давлат бюджетидан илм-фанни молиялаштириш учун амалга оширилаётган харажатларнинг Олий Мажлис палаталари олдидаги ҳисобдорлигини ошириш, жамғарма бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот бўйича ташқи аудит ва баҳолашни амалга ошириш ҳамда улар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хулоса тақдим этилишини таъминлаш мақсадида, **Ҳисоб палатаси томонидан** Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини Давлат мақсадли жамғармалари таркибига киритиш бўйича тавсия берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **19 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан қайта киритилган Қонун лойиҳасида юқорида кўрсатилган **тавсиялар инобатга олиниб**, Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини Давлат мақсадли жамғармалари таркибига киритилган.

V. Давлат бюджети харажатларининг самарадорлик индикаторларини белгилаш

2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясига асосан солиқ-бюджет сиёсатига стратегик ёндашувни татбиқ этиш мақсадида ўрта муддатли бюджет асосларини ишлаб чиқиш ҳамда йиллик бюджетни шакллантиришнинг янги **“Натижага йўналтирилган бюджет”** тизимини жорий этиш белгиланган.

2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4938-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасининг бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятининг самарадорлиги индикаторлари синов тариқасида тасдиқланган.

2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини шакллантириш жараёнида бир қатор бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг навбатдаги уч йилдан кам бўлмаган давр учун амалдаги тадбирлари ҳамда ривожлантириш дастурларига талаб этиладиган маблағлар миқдори ва мақсадли индикаторлари шакллантирилган.

Бунда, вазирлик ва идораларнинг ривожлантириш дастурлари учун мақсадли индикаторлар белгиланган бўлиб, Давлат бюджети ҳисобидан ривожлантириш дастурларида лойиҳалари мавжуд бўлмаган вазирлик ва

идоралар уларнинг стратегик мақсадларидан келиб чиққан ҳолда мақсадли индикаторлар белгиланган.

2022 йил Давлат бюджети қонуни қабул қилингандан сўнг вазирлик ва идораларнинг бюджет маблағлари ва ривожлантириш дастурларининг мақсадли индикаторлари мазкур қонуннинг ижросини таъминлаш бўйича қабул қилинадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорида акс эттирилиши назарда тутилган.

Тавсия:

Давлат бюджети тўғрисидаги Қонуннинг ижросини таъминлаш бўйича қабул қилинадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорида Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Инновацион ривожланиш ва Соғлиқни сақлаш ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг ривожлантириш дастурларининг мақсадли индикаторларини тасдиқлаш тавсия этилади.

Маълумот учун, ушбу вазирлик ва идоралар бюджетнома иловасида кўрсатилган вазирлик ва идораларнинг ривожлантириш дастурларининг мақсадли индикаторлари рўйхатида келтирилмаган.

VI. Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш

2021 йилда бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида 14 та туман ва шаҳарлар тажриба сифатида танлаб олиниб, ушбу туманларга уларнинг жами харажатларининг 5 фоизи миқдорида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан қўшимча 92,7 млрд сўм маблағлар ажратилган.

Шунингдек, жорий йил июл ойидан бошлаб жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга ажратиладиган туман ва шаҳарлар бюджетлари қўшимча маблағларининг энг кам миқдорини 10 фоиздан 30 фоизга оширилган.

Молия вазирлиги томонидан такомиллаштирилган янги кўринишдаги “Очиқ бюджет” ахборот портали ишлаб чиқилиб, жорий йилнинг 1 июлидан барча туман ва шаҳарларда жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш бошланган.

Келгуси йилларда “ташаббусли бюджетлаштириш” тизимини янада такомиллаштириш ҳамда фуқароларни ушбу жараёнга кенг жалб қилиш бўйича қуйидагилар таклиф этилган:

1. Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган чора-тадбирлар (лойиҳалар)ни амалга оширишнинг янги механизмини жорий этиш. Бунда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга тегишли

бюджетларнинг тасдиқланган жами харажатларининг 5 фоизини молиялаштиришга йўналтиришнинг янги тартибини жорий этиш.

2. 2022 йил 1 январдан бошлаб туман ва шаҳарлар бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағларнинг 50 фоизи “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички йўлларни таъмирлашга йўналтириш тартибини жорий этиш.

3. Таклифларни илгари суриш ва жамоатчилик фикри асосида тадбирларни саралаш жараёнини тартибга солиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, шунингдек, ташаббусли бюджетлаштиришни ривожланишини қўллаб-қувватлаш учун минтақавий даражада институционал асосларини яратиш ҳамда ўқув дастурларининг комплекс тизимини яратиш.

4. Ҳудудларни ривожлантириш давлат дастурларини ишлаб чиқишда жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш механизминини яратиш орқали давлат дастурларини ишлаб чиқишда ташаббусли бюджетлаштириш элементларини жорий этиш.

5. Ташаббусли бюджет жараёни натижаларидан келиб фуқароларнинг ушбу жараёнларга жалб этилиши даражаси бўйича ҳудудлар рейтингини жорий этиш ҳамда уни “Очиқ бюджет” ахборот порталига жойлаштириб бориш;

6. Жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантиришда фуқароларни ушбу жараёнга кенгроқ жалб қилиш мақсадида ҳар бир маҳалла ва овулда “мобил” гуруҳлар ҳамда “ташаббускорлар бурчаги”ни ташкил этиш.

VII. Давлат қарзи ва Давлат бюджетининг тақчиллиги

Қонун лойиҳасининг 10-моддаси билан Ўзбекистон Республикаси номидан ва унинг кафолати остида жалб қилинган давлат қарзининг чекланган миқдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан 60 фоиздан ошмаслиги белгиланмоқда.

2022 йил давомида Ўзбекистон Республикаси номидан ва унинг кафолати остида ички ва ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган соф ҳажми 4,5 млрд АҚШ доллари, шундан Давлат бюджетини қўллаб қувватлаш ва лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган чора-тадбирларни молиялаштириш учун - 2,0 млрд АҚШ доллари, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун - 2,5 млрд АҚШ доллари миқдорида белгиланмоқда.

2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган давлат қимматли қоғозларининг чекланган соф ҳажми - 6 трлн сўм миқдорида белгилаш назарда тутилмоқда.

2022 йилда консолидациялашган бюджет тақчиллиги давлат дастурларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган ташқи қарз маблағларини инобатга олган ҳолда 25,0 трлн сўм, яъни ички маҳсулотга нисбатан 3,0 фоиз тақчиллик билан прогноз қилинган.

12-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг 2022 йилги
Консолидациялашган бюджетининг прогноз кўрсаткичлари**

млрд сўм

№	Кўрсаткичлар	Қонун лойиҳаси бўйича
I	Консолидациялашган бюджет даромадлари	252 166,7
II	Консолидациялашган бюджет харажатлари	277 198,1
	Консолидациялашган бюджет сальдоси	-25 031,4

Консолидациялашган бюджет тақчиллигининг 11 500,8 млрд сўми Давлат бюджетига тўғри келиб, уни қоплаш манбаси сифатида бюджетни қўллаб қувватлаш учун чет элдан жалб қилинадиган ташқи қарз маблағлари ва еврооблигацияларни жойлаштириш ҳамда Давлат қимматли қоғозларини чиқариш ҳисобига жалб қилинадиган маблағлар белгиланган.

2022 йилги 25,0 трлн сўм миқдоридаги консолидациялашган бюджет тақчиллиги, шунингдек **12,9 трлн сўм миқдоридаги асосий қарзни** қайтариш харажатларини қуйидаги манбалардан қопланиши режалаштирилган:

11,0 трлн сўм – ташқи қарз маблағларини жалб қилиш ва еврооблигациялар жойлаштириш ҳисобига;

6,0 трлн сўм – ички бозорга Давлат қимматли қоғозлари чиқариш ҳисобига;

2,7 трлн сўм – Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг йил бошига қолдиқ маблағлари ҳисобидан;

6,0 трлн сўм Давлат активларини хусусийлаштириш ҳисобидан тушумлар;

0,2 трлн сўм – Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармаларининг йил бошига қолдиқ маблағлари ҳисобидан

12,0 трлн сўм – Давлат дастурларини амалга ошириш учун вазирлик ва идоралар томонидан жалб қилинган ташқи қарз маблағлари ҳисобидан.

2022 йил охиригача Давлат қарзи 33,6 млрд АҚШ доллари миқдорида прогноз қилинмоқда. Шундан 23,5 млрд АҚШ доллари Ўзбекистон номидан

жалб қилинган ва 6,9 млрд АҚШ доллари Ўзбекистон Республикаси кафолатлаган ташқи қарз.

2022 йилда давлат ташқи қарзига хизмат кўрсатиш (асосий қарз ва фоиз) харажатлари 1,9 млрд АҚШ доллари миқдориди, жумладан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 0,7 млрд АҚШ доллари миқдориди маблағ ажратиш прогноз қилинмоқда.

7.1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органи ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сонли Фармонида Молия вазирлиги давлат иштирокидаги корхоналарга сарфланган Давлат бюджети маблағлари, тегишлича хориждан жалб этилган маблағлар, шу жумладан давлат ташқи қарзи суммалари ҳамда уларнинг сарфланиши тўғрисидаги маълумотларни ҳар чоракда очиқ маълумотлар порталида эълон қилиб бориши белгиланган.

Бундан ташқари, ушбу Фармон билан илғор халқаро стандартларга мувофиқ Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлардан олинган ташқи қарзлар тўғрисидаги ахборотнинг ҳажми ва аниқ рўйхатини белгилаш, уни деталлаштирилган ҳолда жамоатчиликка етказиш чораларини кўриш вазифалари Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва бошқаларга юклатилган.

Тавсия:

Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлат ташқи қарзи бўйича **маълумотлар шаффофлигини таъминлаш ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш** мақсадида, ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига йўналтирилиши режалаштирилаётган **12 019,3 млрд сўмни** молиялаштирилишини лойиҳалар кесимида **Қонуннинг алоҳида иловаси билан кўрсатиш мақсадга мувофиқ.**

7.2 Қонун лойиҳасининг 10-моддаси билан Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида жалб қилинган давлат қарзининг суммаси ялпи ички маҳсулотнинг йиллик прогноз кўрсаткичига нисбатан 60 фоиздан ошмаслиги белгиланган.

2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати) номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида ташқи қарзни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган ҳажми 4,5 млрд АҚШ долларида белгиланмоқда.

Шундан Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш ва лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган чора-тадбирларни молиялаштириш учун

- 2,0 млрд АҚШ доллар, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун
- 2,5 млрд АҚШ доллари миқдориди режалаштирилган.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун имзоланадиган янги битимларнинг чекланган 2,5 млрд АҚШ долларлик ҳажми лойиҳалар ва улар доирасида қарз маблағларини ўзлаштириш миқдорлари кесимида аниқ ҳисоб-китобларга асосланмаган.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4883-сонли қарорига мувофиқ, лойиҳаолди баҳолаш ёки техник-иқтисодий асоси мавжуд бўлмаган инвестиция лойиҳалари (кредит линиялари, институционал ривожланиш ва бюджет ёрдами учун йўналтирилган лойиҳалар бундан мустасно) бўйича кредит битимларини имзолаш тақиқланган.

Тавсия:

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун имзоланиши мумкин бўлган қарз битимлари доирасида ҳар бир лойиҳа кесимида техник иқтисодий асосидан келиб чиққан ҳолда қарз маблағларини молиялаштириш прогнозларини аниқ ҳисоб-китоб қилиш орқали қарз битимларини имзоланишнинг чекланган ҳажмини ҳақиқий миқдорини белгилаш тавсия этилади.

7.3 Қонун лойиҳасида тақдим этилган Давлат қарзини сўндиришга қаратилган харажатлари (Қонун лойиҳасининг 1-иловасида 12 880,9 млрд сўм) таркиби таҳлил қилинганда, Давлат ички қарзини сўндиришга қаратилган харажатлар миқдори 8,7 млрд сўмга кам ҳисоб-китоб қилинганлиги маълум бўлди.

Жумладан, Молия вазирлигининг давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича фоиз тўловлари учун харажатларни аниқлашда (Қонун лойиҳасининг 5-иловасида Молия вазирлиги харажатлари таркибида 4 037,8 млрд сўмни) фоиз тўловлари учун харажатлар миқдори 3,3 млрд сўмга кам ҳисобланган.

Тавсия:

Қонун лойиҳасида кўрсатилган Давлат қарзини сўндиришга қаратилган харажатлар миқдори таркибида Давлат ички қарзини сўндиришга қаратилган харажатлар миқдорини қайта ҳисоб-китоб қилиш лозим.

7.4 Ҳисоб палатасига Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **11 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан киритилган Қонун лойиҳасида Молия вазирлиги Ғазначилиги ҳузуридаги Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармасининг даромад ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари таҳлил қилинди.

Таҳлилларда, Жамғарманинг даромад ва харажатлар миқдори 14,4 млрд сўмга кам ҳисоблангани, давлат кафолатлари берилганлиги учун ундириладиган тақдирлаш пуллари миқдори 01.08.2021 йилдаги валюталар курслари бўйича ҳисоб-китоб қилингани (валюталарнинг курси 2022 йилда прогноз қилинаётган кўрсаткичлари бўйича ҳисобланиши лозим) аниқланди.

Бундан ташқари давлат қарзи ҳисобига амалга ошириладиган 9 та лойиҳа бўйича ундириладиган тақдирлаш пуллари инобатга олинмаганлиги натижасида, Жамғарма даромадлари 10,9 млрд сўмга (15.10.2021 йилдаги валюталар курслари бўйича) кам ҳисобланган.

Ҳисоб палатаси томонидан ушбу ҳолатлар таҳлил қилиниб, давлат қарзи ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича ундириладиган тақдирлаш пуллари қайта ҳисоб-китоб қилиш тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил **19 октябрдаги** 02/5-100-сонли хати билан қайта киритилган Қонун лойиҳасида юқорида кўрсатилган **тавсиялар инобатга олиниб**, давлат қарзи ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича ундириладиган тақдирлаш пуллари прогноз кўрсаткичлари қайта ҳисоб-китоб қилиниб, 14,6 млрд сўмдан 27,7 млрд сўмгача оширилди.

7.5 Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармасининг харажатлари таркибида “Қарздор ташкилотлар давлат қарзи бўйича тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширмаган ҳолатларда қарздор ташкилотлар томонидан қайта қоплаш шарти билан қарз тўловларини амалга ошириш” қисми 253,0 млрд сўм (22,35 млн доллар) кўзда тутилган.

Бунда, ушбу харажат тури қарз олувчи корхоналар бизнес-режалари ва уларнинг 2022 йилдаги пул оқимларини инобатга олган ҳолда аниқ ҳисоб-китобларга асосланмаган.

Тавсия:

Қарздор ташкилотлар давлат қарзи бўйича тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширмаган ҳолатларда қарз тўловларини қарздор ташкилотларнинг молиявий аҳволи, уларнинг 2022 йил учун ишлаб чиқилган бизнес-режалари ва пул оқимларини таҳлил қилган ҳолда Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси харажатларини режалаштириш лозим.

Бунда қарздор ташкилотлар томонидан маблағларнинг қопланишига алоҳида эътибор қаратиш (имконияти мавжуд ҳолларда жамғарманинг даромад қисмида акс эттириш) лозим.

7.6 Молия вазирлиги Ғазначилиги ҳузуридаги Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармасининг даромад манбалари сифатида Молия

вазирлиги томонидан лойиҳалар бўйича вақтинча бўш маблағларни (497,6 млн доллар) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига 0-0,2 фоиз ставкаларида депозитга жойлаштиришдан тушумлар кўзда тутилган.

Тижорат банкларида, жумладан уставида давлат улуши мавжуд банкларда бир неча баробар (5 баробардан) юқори ставкада депозитга маблағ жойлаштириш имкониятлари мавжуд бўлсада, валюта маблағларини Марказий банкка паст фоиз ставкаларда депозитга жойлаштириб, иқтисодий жиҳатдан зарарли усуллардан фойдаланилган.

Молия вазирлиги томонидан лойиҳалар бўйича вақтинча бўш турган валюта маблағларини тижорат банкларига 1 фоиз ставкада депозитга жойлаштириш орқали Жамғармага қўшимча 52,6 млрд сўм тушумларни таъминлаш мумкин.

Бундан ташқари, 2018-2019 йилларда бюджетни қўллаб-қувватлаш учун жалб қилинган маблағлар ҳисобидан **473,8 млн долларлик қолдиқлар бўлган бир вақтда**, Молия вазирлиги томонидан 2020 йилда ушбу мақсадлар учун **Жаҳон банкининг 499,2 млн доллар қарз маблағлари жалб қилинган.**

Ушбу маблағларни 2022 йилда Марказий банкка иқтисодий жиҳатдан самарасиз фоиз ставкаларида (0,02 - 0,03 фоиз) депозитларга жойлаштириш режалаштирилган.

Тавсия:

Бюджетни қўллаб қувватлаш учун жалб қилинадиган қарз маблағларини аниқ ҳисоб-китоблар асосида реал эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда жалб қилиш ҳамда бюджет тақчиллиги ва мавжуд рисклардан келиб чиққан ҳолда хорижий валютани резервда ушлаб туришнинг ўрта ва узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 майдаги 383-сонли қарори талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда бўш турган пул маблағларини тижорат банкларига қулай шартларда жойлаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиб, Қонун лойиҳасида кўзда тутиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, Давлат бюджети ҳисобидан тўланиши кўзда тутилган фоиз ставкалари юқорироқ бўлган қарзларни Молия вазирлигида вақтинча бўш турган валюта маблағлари ҳисобидан олдиндан қайтариш ёки юқори ликвидли қимматли қоғозларга инвестиция қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш лозим.

VIII. Қонун лойиҳасида назарда тутиш учун қўшимча таклиф ва тавсиялар

8.1 Ўзбекистон Республикасида 1996 йил 25 сентябрда кучга кирган Оналикни ҳимоя қилиш Конвенциясининг 1-моддасида ҳомиладорлик ва туғиш таътилида бўлган аёллар ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлиши белгиланган.

Шунингдек, Конвенциянинг 4-моддасида ушбу нафақа ҳомиладорлик ва туғиш таътилида бўлган барча аёлларга мажбурий ижтимоий суғурта тизими ёки давлат жамғармалари ҳисобидан тўланиши кўзда тутилган.

Конвенциянинг 8-моддасида иш берувчи ҳеч қандай ҳолатда бу турдаги нафақа тўланиши учун масъулиятга эга бўлмаслиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексининг 233-моддасида аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланиши белгиланган.

Лекин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1245-сон қарорининг 24-банди билан ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа 2010 йилда иш берувчилар ҳисобидан тўланиши белгиланган.

Яъни, бюджет маблағлари ҳисобидан фақат бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга тўланиши, нобюджет соҳасида ишлайдиган аёлларга эса нафақаларни тўлаш мажбурияти иш берувчилар зиммасига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарорининг 24-бандида белгиланган тартибнинг амал қилиш муддати давлат бюджети лойиҳаси бўйича қабул қилинадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари орқали ҳар йили узайтириб келинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон қарори билан (7-илова 6-банд “б” кичик банд) тартибнинг амал қилиш муддати 2022 йил 1 январга қадар узайтирилган.

2022 йилга мўлжалланган бюджет сиёсатининг устувор йўналишлардан бири сифатида **гендер тенгликка йўналтирилган бюджетлаштириш** тизимини амалиётга босқичма-босқич жорий этиш бўлсада, Қонун лойиҳасида ҳомиладорлик ва туғиш таътилида бўлган **барча ишловчи аёлларга** ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақасини ижтимоий суғурта тизими ёки давлат жамғармалари ҳисобидан тўланиши кўзда тутилмаган.

Ушбу ҳолат нобюджет соҳадаги иш берувчилар томонидан аёлларни ишга қабул қилмасликка (айниқса ҳомиладорлик даврида) ва аёлларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқининг чекланишига ҳамда республикамизда гендер тенглигининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

Тавсия:

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарорининг 24-бандида белгиланган тартиб ҳамда Оналикни ҳимоя қилиш Конвенцияси ва Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига белгиланган нормалари ўртасидаги номувофиқликни бартараф этиш мақсадга мувофиқ.

8.2 Бюджет кодексига асосан Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия бўйича ҳамда Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан ташқи аудит ва баҳолаш амалга оширилиб, улар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига хулоса тақдим этади.

Бюджет кодексининг 145-моддаси билан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг харажатлар режасига 10 ва ундан ортиқ фоизи миқдорда киритиладиган ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан амалга оширилади.

Таклиф:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг харажатлар режасига 10 ва ундан ортиқ фоизи миқдорда киритиладиган ўзгартиришларни кўриб чиқишда, Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритиладиган таклифларни **Ҳисоб палатасининг хулосаси билан бирга тақдим этиш амалиётини жорий қилиш.**

Ушбу Хулосада келтирилганлардан ташқари, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг даромадларини прогнозлаштириш услубиётини янада такомиллаштириш, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларини шакллантириш манбаларини қайта кўриб чиқиш юзасидан Молия вазирлигига Ҳисоб палатасининг таклиф ва тавсиялари юборилди.

IX. Хулоса

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ва 2022 йил учун Бюджетнома бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан таҳлиллар амалга оширилди.

Таҳлиллар натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тавсиялари лойиҳанинг тегишли қисмларида кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиш натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси умуман олганда, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқ келади деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, 2022 йилда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадларининг тўлиқлиги, харажатларни мақсадли ва самарали амалга оширилиши ҳамда бюджет жараёнида шаффофликни таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан **берилган тавсиялар ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ.**

*Ўзбекистон Республикаси
Ҳисоб палатаси*